Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши
№ 289 (12.943).
15 ДЕКАБРЬ 1964 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Коммунист Айрат Ҳалиуллин ер ости магистралларини қуришда кўп қатнашган. Шкапово—Магнитогорск газ қувурини барпо этишдаги муваффақиятлари учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган.

Бухоро—Урал улкан газ қувурининг биринчи навбатини барпо этишда кўрсатган ғайрат-шижоати ва меҳнат муваффақиятлари учун номини бутун мамлакатга маълум қилди. «Востокнефтепроводстрой» трести учинчи бошқармаси механизациялашган колоннасининг бу сергайрат бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак мукофотга муяссар бўлди. Суратда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Айрат Ҳалиуллин.

А. Зараев фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ДАВЛАТ АППАРАТИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

Совет давлат аппарати — турли министрликлар, бошқармалар, комитетлар ва идораларда интеллигенциянинг неча мингдаб намояндалари ўз халқига муносиб хизмат қилмоқда. Бу жойларда хизматчиларнинг илғор, сиёсий ғояви жиҳатдан етук энг яхши вакилларини ўз теварагида жипслаштирган бошланғич партия ташкилотлари ишлаб турибди. Улар аппаратнинг ихчам, изчил, оператив ишлаши учун, халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг турли соҳаларига раҳбарлик қилувчи шу органлардаги ходимларнинг жавобгарлик ҳиссини ошириш ва уларни амалий ишда чиниқтириш учун курашмоқдалар, аппаратнинг ҳамма звеноларида давлат ва партия интизомини мустаҳкамлаш, хизматчиларда ишга ижодий муносабатда бўлиш ва шахсий ташаббус кўрсатиш ҳиссини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Давлат аппарати бошланғич партия ташкилоти коллективининг жондили, маслаҳатгўйи, сиёсий тарбиячисидир. Бас шундай экан, бошланғич партия ташкилотининг вазифаси ҳар бир ходимни ишчанлик, принципиаллик, ўз касбини севиш, ишга ихлос ва муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат. У хизматчилар коллективида соф, соғлом муҳитни, ўзаро ҳурмат, бир-бирига сидқидил ёрдам бериш муҳитини вужудга келтириши керак.

Ғарчи республикамизда кўпгина министрликлар, комитетлар, бошқармалар ва идораларнинг партия ташкилотлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни муваффақиятли ўтаётган бўлсалар ҳам, айрим жойларда бу сохада жиддий нуқсонлар борлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Шундай ҳоллар юз беряптики, республика давлат органларининг айрим звеноларидаги бошланғич партия ташкилотлари аппарат ишини такомиллаштириш ва ихчамлаштиришга тегишли таъсир кўрсатмаяптилар, ходимларни амалий вазифаларни конкрет ҳал қилишга сафарбар этмаяптилар, ҳаддан ташқари турли ғил ёзишмалар, фармойишлар бериш, маълумотлар тўплаш ваби концелярячилик, сансалорлик вазиятини туғдирувчи ҳолларга қарши кескин курашмаяптилар.

Ўзбекистон ССР Молия министрлигида амалий, жонли ташкилотчилик иши ўрнига турли ёзишмалар, кетма-кет топшириқлар бериш анча кенг тус олган. Бу министрликда ўтган йилларга нисбатан бу йил жойларга юборилган хатлар, телеграммалар, кўрсатма ва ҳар хил ёзишмалар бирмунча кўпайиб кетган. Ўзбекистон Касаба союзлари советида айниқса қоғозбозлик авж олган. Бу ерда аппаратни бошқарувчи ходимларнинг жуда катта қисми жойларда амалий, жонли иш олиб бориш ўрнига идорада турли ёзишмалар билан банд бўлиб қолганлар, қимматли вақтларини умумий фикрлар юритиш билан ўтказганлар. Республика Сув хўжалиги, Автотранспорт ва тош йўллар министрликларида ҳам ходимларга топширилган иш учун қатъий масъулият талаб этилмайди. Бу министрликларда ҳаётий муҳим масалаларни ўз вақтида конкрет ҳал этиш ўрнига зарурияти бўлмаган тортишувлар, узундан-узоқ мулоҳазалар юритишга кўпроқ берилиб кетганлар. Бунинг оқибатида давлат аҳамиятига эга бўлган зарур масалалар ҳозиржавоблик билан ҳал этилмай қолади. Яна шундай ҳоллар ҳам бўладики, аппарат ходимлари баъзи масалаларда умумий тил тополмайдилар, у ёки бу вазифани ҳал этишда ҳамжиҳат фикр юритмайдилар. Бундай аҳвол умумий ишга зарар келтириши турган гап.

Давлат аппаратида ҳамманинг манфаатини ифода этувчи дўстона вазият вужудга келтирилиши, ишда юксак маданият ўрнатилиши, бюрократизмнинг ҳар қандай кўринишларига сира йўл қўйилмаслиги керак. Такаббурлик ва димоғдорлик, ҳафсаласизлик ва лапашанглик, тажанглик ва эзмалик, майда-чуйда гаплар билан банд бўлиш — буларнинг ҳаммаси совет давлат аппарати ходими учун, оммаонг онгли ва пешқадам отряди бўлган хизматчи учун бутунлай ёт одатлардир. Бошланғич партия ташкилоти хизматчилар коллективида ана шундай мойлларнинг содир бўлишига сира йўл қўймаслиги зарур.

Давлат аппарати бошланғич партия ташкилотининг муваффақиятли ишлаши даставвал унга раҳбарлик қилувчи комитет ёки бюро аъзоларининг, секретарь ҳамда улар ёрдамчиларининг ўз вазифаларига нечоғли муносабатда бўлишларига боғлиқдир. Секретардан талаб қилинадиган масъулият айниқса катта. У ўзига билдирилган юксак ишонч даражасида туриши, ҳамма ишда шахсий ибрат кўрсатиши лозим. Бунинг учун у дастлаб раҳбарлик методларини, партия ҳаётининг нормаларини, сиёсий-тарбиявий ишларнинг хилма-хил усулларини, хизматчилар билан алоқа боғлаш йўлларини яхши билиши шарт. Бусиз у ишларилаб боролмайди, ўзига юклатилган вазифаларни яхши ўтолмайди.

Давлат аппаратида хизмат қилувчи ҳар бир коммунист партия талаблари даражасида туриши, ҳамма ишда принципиаллик кўрсатиши, ўзига юклатилган вазифани шахсий иши, ишқ ва партия иши деб билиши, камчилик ва нуқсонларга нисбатан муросасиз бўлиши керак. Чуқур ғоявий эътиқод, юксак ахлоқ ва маънавий гўзаллик— давлат аппаратида хизмат қилувчи ҳар бир коммунист, ҳар бир ходим учун яхши ҳислатлардир. Афсуси, баъзи ходимлар ўзлари хизмат қилиб турган жойда жиддий нуқсон ва камчиликларни, хатоликларни билиб, сезиб турсалар ҳам уни очиб ташлашдан қайиқадилар, очиқроғи қўрқадилар. Бундай ходимлар ўз раҳбарларига «ёмон кўриниш»ни истамайдилар, муросасозлик йўлига ўтадилар. Бундай хатти-ҳаракат ходимга ҳам, раҳбарга ҳам зарардан бошқа ҳеч нарса келтирмайди. Рўй-рост, ошкора гапириш, дилдаги ҳамма нарсаларни ҳеч истисносиз айтиш софдиллик, ҳалоллик намунасидир.

Яқинда ўз ишини тугаллаган СССР Олий Советининг сессияси Ватан, халқнинг ҳаётий манфаатларини янги, янада юксак ва чуқур маънода ифода этдики, у қабул қилган план, бюджет ва қонунлар мамлакатимиз тараққиётида янги давр очади. Совет давлати куч-қудратини тағин ҳам мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини тез юксалтириш учун бутун шарт-шароитларни амалда вужудга келтиради. Шу билан бирга Олий Совет давлат органлари ва халқ хўжалигининг ҳамма звеноларида маъмурий бошқариш структурасини қатъиян яхшилаш, унинг фаолиятини ленинча принциплар асосида ихчамлаштириш, ортиқча штатлар ва чиқимларни қатъиян камайтириш вазифасини қўйди. Бу катта вазифаларни бажаришда ташкилотчилик кўрсатиш давлат аппарати партия ташкилотининг энг муҳим вазифасидир. У, хизматчилар коллективининг илғор, етакчи кучи, маслаҳатгўйи ва сиёсий тарбиячисидир.

БАЛЛИ, САМАРҚАНД ПАХТАКОРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

САМАРҚАНД ОБЛАСТИНИНГ КОЛХОЗЧИЛАРИ, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Самарқанд областининг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш бошқармалари ходимлари, партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ходимларини, барча меҳнаткашларини эришилган меҳнат ғалабаси билан — пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги билан қизғин қутлайдилар. Область хўжаликлари тайёрлаш пунктларига 330 минг тонна пахта элтиб бердилар.

Нарпай, Булунғур, Самарқанд, Ғаллаорол, Нурота районларининг пахтакорлари пахта тайёрлаш планларини ошириб бажариб, катта муваффақиятга эришдилар.

Область колхозлари ва совхозлари дон, сабзавот, пилла, узум, тамаки, қоракўл, тухум ва қовун-тарвуз тайёрлаш планларини ҳам бажардилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Самарқанд область пахтакорлари ва барча меҳнаткашлари меҳнатда ғалабага эришганликларини мамнуният билан қайд қиладилар ва улар келгуси йил ҳосилига замин яратиш учун керакли тадбирларни муваффақиятли ўтказадилар, чорва қишловини яхши ўтказишни таъминлайдилар, пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтирмоқ учун зўр бериб курашадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Самарқанд областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва ССР Иттифоқи Министрлар Советига шуни маълум қиладиларки, область колхозлари ва совхозлари КПСС XXII съездининг қарорларини амалга ошира бориб, 330 минг тонна пахта тайёрлаб йиллик планни бажардилар.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари мўл ҳосил учун курашда деҳқончилик маданиятини оширишга, маҳаллий ва минерал ўғитлардан рационал фойдаланишга, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини оширишга, меҳнатга айниқса механизаторлар ва сувчилар меҳнатига тўғри ҳақ тўлашга алоҳида эътибор бердилар. Ҳамма бригадаларда хўжалик ҳисоби элементлари амалда жорий қилинди. Иқтисодий жиҳатдан қолоқ колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашга кўп эътибор берилди.

Группа бўлиб суғоришнинг рационал методи ҳамма хўжаликларда кенг ёйилди. Сувдан тўғри фойдаланиш билан бир қаторда бу метод техникадан юксак даражада унумли фойдаланиш учун катта имкониятлар очиб берди.

Нарпай райони меҳнаткашлари область пахтакорлари ўртасида социалистик мусобақага бошчилик қилдилар. Бу райондаги 16 колхознинг ҳаммаси ўз мажбуриятларини бажарди ва давлатга пландан ташқари 9 минг тонна пахта топширди. Булунғур пахтакорлари пландан ташқари 4,5 минг тонна пахта тайёрладилар. Самарқанд, Ғаллаорол, Нурота районларининг колхоз ва совхозлари йиллик планларини муддатидан олдин бажардилар. Энг катта пахтакор район — Каттақўрғон районининг планни бажариш арафасида турибди. Пастдаргом, Иштихон ва Пайариқ районларининг илғор колхозлари, шунингдек «Красногвардейский», «Боғизағон», «Гулбулоқ», Свердлов номли, «Улус» совхозлари ҳам область пахтакорларининг ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар. Иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлиб келган 15 колхозлар 11 таси пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарди.

Юзлаб бригадалар мўл ҳосил олишга эришдилар. Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхозда Зулайҳо Ҳолидова бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадаси гектар бошига 45 центнер ҳосил етиштирди. Абдулла Туропов, Соҳб Эшов, Мардон Соатов, Ўрин Қаҳҳоров, Нўлат Ўроқов, Тошмат Рўзимуродов, Робия Эргашева, Нўлат Бўҳориевларнинг бригадалари ва бошқа кўпгина бригадалар гектар бошига 35-40 центнер ва ундан ҳам кўпроқ пахта топширишди.

Бу йилги об-ҳаво шароити ноқулай келганлигига қарамай, механизаторлар ҳосилни машинада териб олиш ишида актив қатнашдилар. Машиналарда 54 минг тонна, ўтган йилдагига қараганда 11 минг тонна кўп пахта териб олинди. Механизаторлар Суяр Толмасов, Теша Мустафоев, Саид Асқаров, Самарқанд автобазасининг шофери Ҳамид Хабибов ҳосилни машинада териб олишда аъло даражада меҳнат қилиб, шу мавсумда 110-130 тоннадан ва ундан ҳам кўпроқ пахта териб беришди.

Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарларининг ва район марказларидаги посёлкаларнинг ишчилари, хизматчилари, студентлари ва ўқувчилари пахта теримига катта ёрдам кўрсатдилар.

Область хўжаликлари дон, сабзавот, узум, қовун-тарвуз, тамаки, қоракўл, тухум, пилла тайёрлаш планларини тўла ва ошириб бажардилар. Давлатга ўтган йилдагидан 43 минг центнер кўп гўшт, 53 минг центнер кўп сут, 41 минг центнер кўп картошка сотилди. Ургут районининг колхозлари тамаки топшириш планини 55 минг центнер қилиб бажаришди ва яна қўшимча тўрт минг центнер тамаки барги топшириш мажбуриятини олишди.

Самарқанд область партия ташкилоти, областнинг барча меҳнаткашлари КПСС ленинчи Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтадиларки, улар чорва қишловини, келгуси йил ҳосили учун зарур кузги-қишки тадбирларни муваффақиятли ўтказадилар ҳамда КПСС XX, XXI ва XXII съездларининг қарорларини ва партия программасини амалга ошириш учун зўр бериб курашадилар.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

ШУДГОРЛАШ ИЛҒОРЛАРИ

БУХОРО. Ромитан бошқармасидаги «Ленинизм» колхозида дала ишлари конвейер усулда ташкил этилган. Келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин ҳозирлаш мақсадида барча тадбирларни изчиллик билан амалга ошираётган бу хўжалик пахтакорлари шудгорлашни жадал суръатлар билан давом эттирмоқдалар.

Шу кеча-кундузда далаларда 12 та ҳайдов трактори бетиним ишлаб турибди. Илғор механизаторлардан Ханса Баротов, Нуриддин Ғойибов, Раҳим Раҳмонов ўртоқларнинг ҳар бири кунда 8-9 гектар ерни чуқур ҳайдаб, бошқаларга намуна бўляптилар.

Н. ОХУНЖОНОВ.

●

ФАРҒОНА. Охунбобоев бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари ҳозиргача 700 гектардан зиёдроқ майдонни сифатли шудгорлаб қўйдилар. И. Ориповс, С. Холмирзаев, М. Зокиров каби саккиз тракторчи смена топширигини муттасил бир ярим баравар ошириб адо этмоқда.

Колхозда ерларни ҳайдаш олдидан маҳаллий ва минерал ўғитлар солинмоқда.

С. ОБИДЖОНОВ.

●

ПОП бошқармасидаги «Пунгон» узумчилик совхози коллективи келгуси йил ҳам эл дастурхонига мўл-кўл узум етказиб бериш учун курашни ҳозирданоқ қизитиб юборди. Шу мақсадда токзорларни ҳайдаш яхши уюштирилган. Ҳайдаш олдидан ҳар гектарига 15-20 тоннадан маҳаллий ўғит, 250-300 килограммдан суперфосфат солинмоқда.

Э. ЭРГАШЕВ.

ҚАВС СУВИ

Дала ишлари қундалиги

Колхоз ва совхозларда янги ҳосил тараддуди кун сайин авж олмоқда. Ерлар чуқур шудгор қилиняпти, ариқ ва зовурлар тозаланяпти. Илғор хўжаликлар эса яхоб бериш ва ерларнинг шўрини ювиш ишларини ҳам жадал давом эттирмоқдалар.

Деҳқончиликда яхоб бериш ва шўр ювиш муҳим тадбир ҳисобланади. Бу тадбирлар сифатли амалга оширилган жойларда чигит текис униб чиқади ва ҳосил мўл бўлади. Яхоб бериш ерда кўплаб нам тўплаш демакдир. Лекин яхобнинг аҳамияти шунга эмас, нам етарли бўлса, ҳайдаш олдидан солинган маҳаллий ўғит яхши чиришди ва ундаги органик моддалар баҳоргача ўсимликлар ўзлаштира оладиган формага келади.

— Ерларимизни қиш сувига қондириб олсак, келгуси йилда ҳосилдорликни 35 центнерга етказа оламиз. Ерлар сапалан бўлиб қолди. Айниқса бу йил яхобга зўр бериш керак,— дейди Ленинград районидаги «Социализм» колхозининг раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Қўчқорбой Собиров.

Тажрибали пахтакорлар бунга амал қилмоқдалар. Андижон области пахтакорлари 46 минг гектардан ортиқ майдонга яхоб бериб, бу соҳадаги топшириқни бажариш арафасида турибдилар. Сурхондарё областида ҳам яхоб бериш ишлари бирмунча яхши ташкил этилган. Бироқ республикамизнинг бошқа областларида бу муҳим агротехника тадбирини амалга оширишга ҳали ҳам жиддий киришилган эмас. Масалан, Самарқанд областида яхоб берилиши лозим бўлган 90 минг гектар майдоннинг 1900 гектарига, Қашқадарё областида 70 минг гектар майдондан энди 3200 гектарига сув қўйилган. 35 минг гектар ерга яхоб бериши зарур бўлган Бухоро областида эса бу ишга ҳанузгача киришилмаган.

Кўпгина областларда ҳозир ер ости сувлари анча пасайган давр. Худди шу пайтда ерларнинг шўрини ювиш яхши самара беради. Ерларни зararли тузлардан тозалаш учун бу йил республикамизда ҳаммаси бўлиб 1 миллион 340 минг гектарга яқин майдонда шўр ювиш талаб қилинади. Айрим ерларда тупроқни тузлардан тозалаш учун 2-3 марта ва ҳатто ундан кўпроқ сув қўйишга тўғри келишини ҳисобга олсак, бу нақадар масъулиятли иш эканлиги равшан бўлиб қолади. Бироқ каналларда, ариқларда сув тўлиб оқаётганига қарамай, кўпгина хўжаликлар шўр ювишни бошлаб юборманглар, ерларни текислаб ва пол олиб, шўр ювишга тайёрлаш ишлари жуда секинлик билан бажарилмоқда.

Шўрланган ерлар асосан Фарғона, Бухоро ва Сирдарё областларидадир. Масалан, Фарғона областида 230 минг гектар, Бухоро областида 210 минг, Сирдарё областида 120 минг гектар ернинг шўри ювилиши керак. Афсуски, бу областларда иш жадаллаштириб юборилмаётир. Бухоро области хўжаликлари яхоб беришни бошламаганликлари устига шўр ювиш планини атиги 0,8 процент бажардилар. Бошқа областларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Ҳар бир хўжалида, ҳар бир бригада ва звенода қишки дала ишларини бутун чоралар билан нучайтириш, айниқса яхоб бериш ва шўр ювиш суръатини ошириш пайти келди.

Колхоз ва совхоз мутахассислари олдида жуда катта ва масъулиятли ишлар турибди. Улар кузги-қишки ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавобгардирлар. Чунки келгуси йилда «оқ олтин» хирмонининг қанчалик баракали бўлиши ҳозирги ишимизга боғлиқдир, ерда кўпроқ нам тўплаш ва ерларни зararли тузлардан тозалаб олишимизга боғлиқдир. Агрономлар, бригада бошлиқлари иш сифати устидан назоратни нучайтиришлари керак. Эндиликда тупроқдаги шўрни эски усулда — бир полдаги сувни иккинчи полга оқизиб ювишга сира йўл қўйиб бўлмайди.

Хўжаликларнинг раҳбарлари қишда ҳам тинмай меҳнат қилаётган сувчиларга ғамхўрликни нучайтиришлари, уларни иссиқ овқат, иссиқ нийм-бош ва резина этиклар билан таъминлашлари керак.

Ҳар бир агротехника тадбири ўз вақтида амалга оширилсагина яхши самара беради.

ТУРКМАНИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Туркманистон ССР колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси — пахта тайёрлаш планининг бажарилиши билан қизғин қутладилар. Республика хўжаликлари тайёрлаш пунктларига 460 минг тонна пахта етказиб бердилар ва пландан ташқари 5 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар.

Республика механизаторлари ҳосилни машинада териш планини муваффақиятли бажардилар. Машиналарнинг кўпгина механик-ҳайдовчилари мавсумда 120-150 тоннадан ва бундан ҳам кўпроқ пахта териб бердилар.

Республика колхозлари ва совхозлари дон, пилла, узум ва полиз маҳсулотлари тайёрлаш планларини ҳам бажардилар.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитети ва Туркманистон ССР Министрлар Совети пахта тайёрлаш планининг муддатидан олдин бажарилганлигини КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига маълум қила туриб, бу меҳнат ғалабаси Туркманистон республикаси ва Туркманистон Коммунистик партияси 40 йиллигининг юбилей йилида қўлга киритилганлиги сабабли айниқса қиммати ва қувончлидир, деб таъкидлайдилар. Ҳозирги вақтда республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз куч-ғайратларини қолган ҳосилни йиғиштириб бўлишга, олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга қаратмоқдалар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Я. Я. Гордонга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони бериш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг врачлар малакасини ошириш Тошкент институтида невропатология кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори, профессор Яков Яковлевич **Гордонга** медицина фанини ривожлантиришдаги катта хизматлари, самарали илмий-врачлик ва педагоглик фаолияти учун ҳамда 70 ёшга тўлганлигни муносабати билан «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиснинг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1964 йил 14 декабрь.

САМАРҚАНДДА МИТИНГ

САМАРҚАНД. 14 декабрь. (ЎзТАГ). Пахта тайёрлаш давлат плани муваффақиятли бажарилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Самарқанд области меҳнаткашларига табрикнома юбордилар. Колхоз, совхоз, саноат корхоналари ва ўқув юртлари коллективларининг вакиллари шу воқеага бағишланган митингда қатнашмоқ учун опера ва балет театрининг кенг залига тўпландилар.

Самарқандлик деҳқонлар бу йил Ватанга 330 минг тонна пахта бердилар. Мамлакат улардан 8,5 миллион пуд дон олди, бу — ўтган йилдагидан тўрт миллион пуд кўпдир. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг бошқа кўпгина энг муҳим турларини тайёрлаш соҳасида берилган топшириқлар ҳам ошириб бажарилди. Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов шуни гапириб, деҳқончилик маданияти оширилганлиги ва табиат ўжарликлари натижасида юз берган қийинчиликларни колхоз ва совхозлар моҳирлик билан енгиб ўтганликлари туфайли муваффақиятга эришилди, деб таъкидлади.

Митингда Нарпай район партия комитетининг секретари И. Эшқувватов, Булунғур районидаги Жданов номли колхоз раиси М. Бозоров, Самарқанд университетининг студенти У. Қорабоев, В. И. Ленин номли «Красный двигатель» заводи партия бюросининг секретари С. М. Свербук, ёзувчи Д. Файзиев ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар деҳқонларнинг меҳнатдаги ишлари ҳақида гапириб, пахтакорларга оталарча ғамхўрлиг қилаётган КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирдилар, область меҳнаткашлари коммунистик қурилишдаги ютуқларни кўпайтиришга маҳкам бел боғлаганликларини айтдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ГРЕЦИЯГА САФАРИ

Греция парламенти СССР Олий Совети делегациясини жавоб визити билан келишга таклиф этганлиги ҳабар қилинган эди. СССР Олий Совети 15 декабрда ўз делегациясини Грецияга юборади. СССР Олий Советининг депутати, ВЦСПС раиси В. В. Гришин делегацияга бошчилик қилади.

Делегация составида СССР Олий Советининг депутатлари Т. Абдумомунов, В. В. Вахирев, Ю. М. Вечерова, Г. А. Дзидзария, П. Я. Лисняк, В. Е. Лобанок, Е. Г. Сорочан, Б. Х. Энилинелар бор.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА БОРИШИГА ДОИР

Бирлашган Араб Республикасининг Миллат мажлиси СССР Олий Совети делегациясини жавоб визити билан келишга таклиф этганлиги илгари хабар қилинган эди. СССР Олий Совети СССР Олий Совети депутати, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси А. Н. Шелепин бошчилигидаги делегацияни 19 декабрда Бирлашган Араб Республикасига юборади. Делегация составига СССР Олий Совети депутатлари Е. Т. Асцатрян, Г. Е. Бурмацкая, Д. П. Горюнов, А. А. Груздев, В. Ф. Жигалин, В. М. Петришчева, Б. В. Петровский, З. И. О. Халилов, Н. Ж. Худойбердиев киради.

ЯША, ФАРҒОНАМ!

Уткир Рашид

Кўксингни оч, кўксингни тут, ғолиб Фарғонам,
Қутлуғ бўлсин мукофотинг, ғолиб Фарғонам.
Улуғ Ленин расми тушди бугун кўксингга,
Яна чирой қўшилди бу гўзал қуснингга.
Ўлкамизнинг гўзаллигин рамзи Фарғона,
Сенга бу гал, сенга қутлов шеърий тарона.
Сенда хирмон мўлжалидан ошиб тунов кун,
Тўй қилувдик эл қувончи тошиб тунов кун.
Сен қуёш-у, ойга ёққан гўзал водийсан,
Нур дарёси тўлиб оққан гўзал водийсан.
Тилсимнамо тогларингда бойлик қатма-қат,
Боғларингда мевалардан томади шарбат.
Сенинг момиқ тупроқларинг «оқ олтин» кони,
Бу йил мана кўкка етди элинг хирмони.

Маҳбубалар меҳри билан унган ҳар ғўза,
Оппоқ дурга лим-лим тўла бир олтин кўза,
Нур қуйилди кўзалардан, дарё-дарё нур,
Оқиб ўтди далалардан оқиандайин дур.
Нурга тўлди, дурга тўлди чўллару йўллар,
Байроқ тутдан бу йил ғолиб дур терган қўллар,
Қутлуғ бўлсин, бугун сенга орден, Фарғонам,
Қабул эт! Бу қутлов дўсти-ёрдин, Фарғонам.
Балли сизга, ҳамшаҳарим танти пахтакор,
Сизлар йўқдан бор қиласиз, сизда ҳикмат бор.
Балли сизга, пахтамисиз миришкорлари,
Сизлар энди Фарғонанинг нишондорлари.
Кўксингни оч, кўксингни тут, ғолиб Фарғонам,
Қутлуғ бўлсин мукофотинг, ғолиб Фарғонам.

ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинати бир юз минг килограмм калавадан бир миллион икки юз минг метр хомсуруп тўқиб бера олади.

Пландан ташқари шунча калава ни етти йилликнинг бошидан бери Антонина Игнатенко йигириб берди. Шунча маҳсулотни ишлаб чиқариш учун унинг яна икки йилга яқин ишлаши лозим бўлар эди. Илғор тўқимачи кунига смена топшириғини қариб икки соат илгари тамомлаб, қўшимча маҳсулот бериб келди.

Антонина Игнатенко ҳар бир ишни эпчиллик ва чаққонлик билан бажаради, комбинатдаги энг яхши ишчилар ҳам унга қойил қолмоқдалар. Бу ёш ишчи узиғаи ипни улаш учун нормадаги олти секунд ўрнига фақат уч секунд вақт сарфлайди. У бошқа барча операцияларни ҳам ана шундай маҳорат билан бажаради. Бу эса ҳар сменада қўшимча равишда 60. 70 килограмм калава ишлаб чиқариш имконини беради.

Тоня мактабни тамомлагандан кейин комбинатга шогирд бўлиб кирган эди. (ЎзТАГ).

МАДАНИЙ-МАИШИЙ ТЕМАДА

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ—ОЛИЙ ҲИММАТ

Партия ва ҳукуматимиз коммунизм қураётган совет кишиларига маиший ва маданий хизматни яхшилаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Буни яқинда ўз ишини тамомлаган СССР Олий Совети сессияси ҳужжатларида ҳам яққол кўрамиз. Ҳозир республикамизда неча-неча маиший хизмат комбинатлари, турли маданий ҳордиқ ўчоқлари ишлаб турибди. Шу билан бир қаторда айрим партия ва совет ташкилотлари меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатишни замон талаб қилганидек уюштиролмаётирлар. Бундай камчиликларга қаршн ўт очиш лозим. Қуйида маиший хизматнинг жойларда қандай уюштирилаётганлиги ҳақида меҳнаткашлардан редакциямизга келган мақолаларни ўқийсиз.

ШИРИН ЗАБОН

Михрат Иноғомова шаҳрисабзликлар ўртасида яхши обрў қозонган. Уни харидорлар ҳурмат қилишиб «ширин забон аёл» дейишади. Ҳақиқатан ҳам ўртоқ Иноғомова бошқараётган 53-сут магазинига борсангиз, хушнуд бўлиб қайтасиз. Магазиндан истаган нарсангизни — қаймоқ, сут, қатиқ, кефир, сир ва бошқа маҳсулотлар харид қилиш билан бирга қувонч ҳам олиб қайтасиз.

Ўз ишини жондан севган М. Иноғомова сутли таомларни қандай тайёрлаш ҳақида маслаҳатлар беради. Михрат опа савдо планини ойдан-ойга ошириб бажармоқда. Бундай савдо ходимларига чин қалбдан дейсан, киши:

— Яхши хизматингиз учун, қуллуғ!

Ғ. МАҚСУДОВ,
Қашқадарё область, Шаҳрисабз шаҳри.

ЎГАЙ УЧАСТКА

Бизнинг «Пахтакор» колхозимиз — Самарқанд область, Нарпай районидаги йирик хўжаликлардан бири. Артель йил сайин кўп даромад олиб, колхозчилар тўқ, бадавлат турмуш кечирмоқдалар. Ҳар бир хонадонда радио, телевизор бор. Колхозчилар холодильник, кир ювиш машиналари сотиб олмоқдалар. Бу гоят қувончли воқеа. Лекин қишлоқда киши кўнглини хира қиладиган бир нарса ҳам бор. Бу Навоий номли участкани ҳамон электрлаштирилмаганлигидир. Тўғри, бундан бир ярим йил муқаддам сим ёғочлар ўрнатилди, хонадонларга симлар тортилди. Лекин ишлар чала-чулпа қолиб кетди. Бу ҳақда колхоз правлениесига, сўнгра район ташкилотларига меҳнаткашлар бир неча шикоят ва илтимосномалар ёзишди. Ҳамон натижа йўқ. Шунинг учун баъзи кишилар ноумид бўлишиб «бизнинг участкамиз ўгайми», деб юришибди.

Б. БОЗОРОВ,
пенсионер, колхоз қоровули.

ПОЙГАНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Тошкентдаги 2-полиграфчилар политехника билим юртида бу йил 350 ўқувчи таълим олмоқда. Улар ҳар куни Фрунзе районидаги ошхонага 3 марта овқатланиш учун қатнашади. Ошхона билан билим юртининг ораси 2 километрдан ортиқ. Қанча вақт, қанча энергия бекорга сарфланмоқда.

Билим юрти ўз ошхонасига эга эмас. 153-қурилиш трести ўқувчилар учун 100 кишилик ошхона қура бошлаганига бир йил бўлай деб қолди. Ҳамон битишдан дарак йўқ. Ўқувчилар «пойгаси»нинг чеки ҳам кўринмаётир. Биз қурувчиларни ишда пойгага чақирамиз.

Б. БОТИРБЕКОВ,
Н. МУСАЕВА,
В. АБДУҚОДИРОВ,
Ф. САЙФИДДИНОВ.
билим юртининг ўқувчилари

ДОРИ ҚИДИРИБ

Ўзбекистон Давлат Аптекалар бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Э. Жўраев диққатига!

Улуғ юртимизда касалликлар камайиб, кишилар умри узайиб бормоқда. Даволашнинг янги-янги таъсирли усуллари йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, у ёки бу дардга даво бўладиган дори-дармонларнинг янги хиллари топилиб, уларни ишлаб чиқариш йил сайин кўпаймоқда. Бу, партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари ва уларнинг соғлиқлари ҳақида қилаётган катта ғамхўрликлари намунасидир.

Шундай бир шароитда кишиларнинг баъзида рецепт кўтариб, керакли дорини аптекамаптека қидириб юришларига йўл қўйиб бўлмайди.

Сир эмас, шу кунларда болаларда қизамуқ касаллиги тез учрайди. Шифокорларга дори етказиб берувчи ходимлар буни ҳисобга олиб, қизамуқ ҳамда болаларда учрайдиган юқумли касалликларга қарши ишлатиладиган гаммаглобулин дорисини етарли тайёрлаб беришлари лозим. Зотан бу дори республикамизда, Сиворотка ва вакцина илмий текшириш институтида ҳам ишланади.

Афсуски, ҳозир Тошкентдаги 1, 8-ва бошқа қатор аптекаларда бу дорини топиб бўлмаётир.

Тери касалликларига қарши ишлатиладиган преднизолон дорисн ҳам пойтахтнинг ҳеч бир дорихонасида йўқ. Бу каби мисолларни республикамизнинг бошқа шаҳар ва районларида ҳам учратамиз.

Республика Давлат Аптекалар бошқармаси дардманларнинг талабларини, шифокорларнинг мулоҳазаларини чуқурроқ ўрганиб, аптекаларда керакли дориларнинг доим бўлишига эришиши лозим.

Расул РАҲМОНОВ.

ЧЎТКА ҚИДИРИБ

Ёзда тунукани мойлайман деб, қизил мой тайёрлаб қўйган эдим. Мана қиш кирди. Лекин ҳали ҳам ниятимни амалга оширолмай турибман. Сабаби, магазинлардан чўтка тополмаяпман.

О. ҲАКИМОВ,
Бирлашган нашриёт ишчиси.

Қувончли телеграммалар

Москва районининг меҳнаткашлари давлатга гўшт сотиш йиллик топшириғини бажардилар. Давлатга 1200 тоннадан кўпроқ гўшт сотилди. Киров номли, «Москва» колхозлари ва бошқа бир қанча хўжаликлардаги чорвачилик фермаларининг ходимлари яхши меҳнат қилдилар. Бу хўжаликларнинг ходимлари пландан ташқари чорвачилик маҳсулотлари сотишга киришдилар.

●

„Узсельхозтехника» Охунбобоев район бўлими ҳузурида трактор двигателларини ремонт қиладиган Фарғона областида биринчи ихтисослаштирилган корхона қурилди. Корхонанинг кенг корпуси ичига машина-ускуналар жойлаштирилди. Бу машина-ускуналар ремонт қилинган моторларни поток усулида йиғиш имконини беради. Ҳозир областда тракторларни ва уларнинг агрегатларини ремонт қиладиган ана шундай ихтисослаштирилган яна учта устахона ташкил қилинмоқда.

●

„Харезмводстрой» трести қурилиш-монтаж бошқармаси ер казиш ва темир-бетон ишларининг йиллик планини муддатидан олдин бажарди. Янги суғориш ва қуритиш шохобчаларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилишда 31 миллион кубометрдан кўпроқ тупроқ қазилди.

Амударёдан асосий Тошсоқа суғориш системасига сув берадиган уч канал қурилди, бу эса воҳада сув танқислигини бартараф қилиш имконини берди.

СУНЪИЙ СУТ

ШУРЧИ, («СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» мухбирида н).

Бошқарма чорвадорлари луганскликлар методи асосида химия фани мўъжизаларидан фойдаланиб, сунъий сут ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Ҳозиргача район хўжаликларида 50 минг литрга яқин сунъий сут ишлаб чиқарилди.

УЛУҒ ВАТАНИМИЗДА



СВЕРДЛОВСК. «Уралхиммаш» заводида мураккаб химия аппаратлари ишлаб чиқарадиган цехлар комплекси қурилиши тугалланмоқда. Бир неча гектар майдонни эгаллаган усти ёпиқ жойда механизмларни синаб кўриш ишлари охирига етказилмоқда. Янги цехлар комплексини фойдаланишга топшириш натижасида корхоналарга ҳамда катта химия қурилишларига ускуналар етказиб бериш анча кўпаяди. Чап томондаги суратда: мураккаб химия аппаратлари цехлари комплекси қурилишида.

Б. Клипиницер фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



ОЗАРБАЙЖОН ССР. Бонуда тикланаётган ўзи юрар улкан кран-кема — катамаранинг икки корпусини бирлаштириб монтаж-лаш ишлари бошлаб юборилди. Бу баҳодир механизм денгизнинг 60 метр чуқурлигидаги нефть вишкалари ҳамда ускуналарни ўрнатиш ва уларга керакли механизмларни етказиб беришга мўлжалланган. Улкан кран-кеманинг ҳар икки корпуси ҳам Горький шаҳридаги «Красное Сормово» заводида тайёрланган.

Краннинг дастлабки бир ярим минг тонна келадиган металл конструкциялари монтаж л а н и б бўлди. Кран 250 тоннадан кўпроқ юкни кўтара олади ва унинг қанотлари 20 қават уй баландлигида қаранатланаверади. Ўнг томондаги суратда: ўзи юрар кран-кема —катамаран.

Н. Игнатьев фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ТОШКЕНТ АЙЛАНМА ЙЎЛИ

ЧОРРАҲАЛАР БЎЛМАЙДИ ✦ ТРАНЗИТ МАШИНАЛАР ТОШКЕНТНИ АЙЛАНИБ ЎТАДИ ✦ АСОСИЙ ЮКЛАР АЙЛАНМА ЙЎЛДА ТАШИЛАДИ ✦ ЙЎЛ ЭМАС, ЖОННИНГ РОҲАТИ.

— Тошкент халқа йўлц ҳозир Тошкент кўчаларидан олиб ўтилаётган юкларнинг каттагина қисмини ўзига олади,— деди ЎзТАГ мухбири Е. Ефимов билан суҳбатда автомобиль транспорти ва тош йўллар министри И. В.Стрельцов. — Бундай юклар эса озмунча эмас. Шу кунларда пойтахт кўчалари ва майдонларидан қатнаётган минглаб панелвозлар, самосволлар, рефрижераторлар ва бошқа машиналар ўз юкини шаҳарнинг бу чеккасидан нариги чеккасига олиб ўтяпти.

Ана шу машиналар шаҳар ташқарисидаги айланма йўлдан хоҳлаган тезлигида юриб, ўз манзилига икки-уч баравар, қолаверса тўрт баравар олдинроқ етиб бориши мумкин. Натижада транспортнинг иш унуми ошиши турган гап. Буни халқа йўлнинг дастлабки бўлаги мисолида кўриш мумкин. Ўйсозлик комбинати билан Чилонзор ўртасидаги шу бўлакдан уч йилдан бери фойдаланиб келинмоқда. Ундан пойтахтнинг ғарби-жанубий уй-жой массивини қуриш учун керакли материалларнинг деярли ҳаммаси ташиб ўтилиб, йўл қуришга сарфланган ҳаражатлар тўла қоплаб олинди.

Лекин бунинг пул ҳисобида ифодалаб бўлмайдиган бошқа фойдали жиҳатлари ҳам бор, яъни кўчалар ва майдонлар анча бўшаб қолади, ҳаво тозаланади, шовқин-сурон камаяди. Бу эса шаҳар ҳаётида катта аҳамиятга эга.

Йўлнинг Тошкентга кириб келишдаги икки йўлки — Катта Ўзбекистон тракти билан Бекобод йўлини бирлаштирувчи дастлабки бўлагига асфальт ётқизилди. Ҳозирча бу ердан фақат бир томочга йўл чиқарилди. Бундан кейин Қўйлиқдан генерал Петров кўчасигача йўл лойиҳага батамом мувофиқ равишда қурилади. Қурилаётган автомобиль йўлининг олти километри ҳозирдаёқ тайёр бўлди. Бу йўл ҳар бирининг эни етти метрли қилиб, иккига ажратилган, ўртасида дарахт экиш учун тўрт метр, йўл ёқаси учун беш метр жой қолдирилган. Мана шу ердан магистраль Луначарский тош йўли ва Чимкент трактига чиқади, шаҳарни ғарб томондан айланиб ўтгач, Катта Ўзбекистон трактига бориб туташиб кетади. Кундузи нур берувчи чироқлар билан ёритиладиган, қулай манзилгоҳлар, павильонлар қуриладиган, қатнов схемалари ўрнатиб қўйиладиган мана шу магистраль энг қулай йўллардан бири бўлади. Тошкент чегарасини чизиб ўтувчи халқанинг узунлиги 54 километр бўлади. У, пойтахтга олиб келадиган ҳамма йўлларни бир-бири билан туташтиради.

Йўлнинг туташадиган жойлари ҳар хил баландликда бўлиши лойиҳалаштирилди. Масалан, Луначарский тош йўли остидан туннель ўтказилса, бошқа йўллар устига осма йўллар қурилади. Чунки бошди айтаётганимиздек, шоферларнинг орзуси рўёбга чиқарилиб, автомобиль йўлида чорраҳалар ва светофорлар бўлмайди.

Махсус шох йўллар бир-бирини кесиб ўтувчи ҳар қандай йўлдан машиналарнинг халқага кўтарилишига ёки тушиб олишига ҳамда қатновга қўшилиб кетишига имкон беради.

Халқа йўл шаҳарга ва транспортчиларга кўп фойда келтиради. Тошкент орқали юрадиган транзит автомашиналар шаҳарга кирмасдан, уни айланиб ўтади. Пойтахт районлари ўртасидаги алоқа ҳам яхшиланади. Масалан, ҳозир шимолий саноат зонасида ишловчи чилонзорликлар ишга етиб келиш учун қариб бир соат овора бўляптилар. Айланма йўл орқали улар иш жойига йигирма минутда етиб келадилар. Халқа йўл янги уй-жой массивларини ўзлаштиришни ҳам жадаллаштиради.

Бу йўл туристик маршрутлар трассаси бўлиб қолади. Халқанинг шарқий қисми ўтадиган Чирчиқ бўйида истироҳат зонаси барпо этилади. Автомобилларда саёҳат қилувчилар учун меҳмонхона қуришга шу ердан ҳозирдаёқ жой танлаб қўйилди. Унинг ёнига хизмат кўрсатиш станцияси, автовокзал қурилади.

Қурувчилар — Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги билан СССР Транспорт қурилиши давлат ишлаб чиқариш комитетининг корхоналари Тошкент халқа йўлини тезроқ битказишга ҳаракат қилмоқдалар. Йўлнинг генерал Петров кўчасига қадар келадиган иккинчи бўлаги 1965 йилда очилади.

«ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ» ЖУРНАЛИ — РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНИ

ЗАФАРЛИ ЙИЛЛАР

«Ўрта Осиё халқ хўжалиги» («Народное хозяйство Средней Азии») журналининг навбатдаги 11- сони Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон иттифоқдош республикалари ва республикалар Компартияларининг 40 йиллик юбилейига бағишланган. Хилма-хил материалларда Ўрта Осиёнинг бугунги кўркам жамолини кўрсатишга — бу ўлканинг экономикаси ва маданиятининг мисли кўрилмаган равнақини, қардош-қондош халқларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги ҳақида, коммунизм қураётган, бир оилага жипслашган халқларнинг ижодий меҳнатини тараннум этишга ҳаракат қилинади. Журналда босилган репортажни 28 автор ёзган...

САХИЙ ЎЗБЕК ЕРИ

Саёҳат Ўзбекистон водийларидан бошланди. Тошкент аэропортидан ғарбга қараб парвоз этган самолёт Жиззах чўллари устидан, сўнгра шўҳоқар Зарафшонни кесиб ўтиб, Бухорога йўл олди. Бухоро эндиликда минораю мадрасалар билангина эмас, индустрияси билан ҳам шуҳрат таратган.

Пахта далалари устидан учиб бормоқдамиз. Самолёт пастроқ учганда, «зангори кема»лар элас-элас кўзга чалинади. Техника деҳқоннинг суянчиги бўлиб қолганидан суюнарканмиз, бундан қирқ йил муқаддам қишлоқ хўжалигимизнинг аҳволи хаёлга келади. Деҳқоннинг суянгани омоч эди ўшанда. Бутун республикада 2-3 та трактор бор эди, холос. Жаҳолат карахт қилган баъзи деҳқонлар далага ғаиғирлаб келаётган трактор остига ўзларини ташлаб, тупроқни нопок қилма, деб айюханнос солишарди.

Ўзбекистон республикаси барпо этилгандан кейин бир йил ўтгач Ўзбекистонга келган машҳур совет ёзувчиси Илья Ильф қуйидаги сатрларни ёзган эди: «Оқ салла ўраган муллаларнинг важоҳати бузуқ. Ҳар бир янгиликни бўғиб ташлашмоқчи. Тракторлар — совет темирининг кичик отрядлари тўсиқларни бузиб секин одимлаяпти.

Аммо асрлар давом этиб келаётган жаҳолат билан курашда ёш, қайноқ Осиё совет машинаси тарафида».

Эндиликда қишлоқ хўжалиги ёппасига механизациялашиб қолди. 1951 йилдаёқ экин майдонига тўғри келадиган тракторлар сони бўйича Ўзбекистон Франциядан икки баравар, Италиядан уч баравар ўзиб кетди. Ийл-йўлакай айтиб ўтиш жоиз бўлар: ҳозир Ўрта Осиё далаларида 15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда 164 минг трактор ишлаб турибди. Бундан 45 йил муқаддам Владимир Ильич Ленин қани энди Совет Россияси деҳқоиларида 100 минг трактор бўлса деб орзу қилган эди.

Самолётдан тушиб Бухорони айландик. Эндиликда шаҳарда 16 йирик саноат корхонаси ишлаб турибди. Область экономикасининг тараққиёти янги газ конларининг очилиши билан чамбарчас боғланган. Геологлар Қизилқумда жавоҳир тўла ўнлаб конларни очдилар. Бундан бир неча йил аввал саҳрода олтин топилди. Кон яқинида ишчи ва геологларнинг шоирона ном билан аталган Солнечний посёлкаси қад кўтарди. Қоровулбозор темир йўл станцияси яқинида эса нефть кони очилди.

Бухоро келажакда химия саноати ривожланган область бўлиб қолади. Кармана ўтмишда Бухоро амирининг ишратоҳи эди. Бу ерда амирнинг боғи бўлган. Эндиликда эски Кармана ўрнида обод ва гўзал Навоий шаҳри қад кўтарди. Ҳозир шаҳарда йирик электростанциянинг дастлабки генераторлари ишлаб турибди, химия комбинати барпо этилмоқда. Бу комбинат мамлакатимиз химия саноатининг йирик корхоналаридан бири бўлади. Бу улкан ишхонада Бухоро табиий газидан комплекс равишда фойдаланиб, турли-туман ўғитлар ва полимер саноати маҳсулотлари тайёрланади. Жумладан, аммиак билан бир қаторда ацетилен олиш ҳам йўлга қўйиладими, ацетилен бир қанча химия маҳсулотларини олиш учун яхши хом ашёдир.

ТОЖИКИСТОН ДУРДОНАСИ

Энди Тожикистонга сафар килсак, Самолёт Тожикистоннинг кўрки ва фахри, унинг пахта кони бўлган Вахш водийсига йўл олди. Деразадан пастга қарасангиз, колхоз ва совхоз посёлкалари, асфальт йўллар, каналлар кўзга чалинади. Улардаги сув қуёш нурида жилвалانади.

Совет кишилари Вахшни жиловладилар. Машиналар ва ирригация иншоотлари ёрдамида Вахш дарёсининг суви қақраб ётган ерларга оқизилди.

Вахш водийсига келган сайёҳ албатта Пулисангин дарасига кириб ўтади. Бу ерда Норак ГЭСи қурилмоқда. Гидротехника иншооти қурилиши учун бу ердан кўра яхшироқ жой топиб бўлмайди. Пулисангин дарасидан бир секундда 500 кубометр сув ўтиб туради. Қоялардан ғарбдаги тушаётган сув энди турбогенераторлар паррагини айлантиради. Гидроэлектростанцияда қурилаётган тўғоннинг баландлиги камида 300 метр бўлади. Бу Швейцарияда, Ҳиндистонда ва Японияда қурилган тўғонлардан ҳам анча баландир.

Норак электростанциясида бир йилда ишлаб чиқариладиган электр энергияси Туркия, Покистон ва Эронда жами ишлаб чиқарилаётганига нисбатан анча кўпдир.

ТУРКМАНИСТОННИНГ ГУЛЛАГАН ТУПРОҒИ

Туркманистон Совет Социалистик Республикасининг территорияси Каспий денгизидан Амударёга қадар 1100 километр, шимолдан жанубга эса 550 километрга чўзилиб кетган. Республика территориясининг ўндан тўққиз қисми қумликдан иборат. Жаҳондаги энг катта Қорақум барҳанлари шу ерда ястаниб ётибди.

Туркманистон саҳросини сувсиз, нохуш дейиш энди унчалик тўғри бўлмаса керак. 800 километрга чўзилган Қорақум канали жўш уриб турган дарёни эслатади. Инсон қўли билан яратилган бу дарё саҳро табиатини ўзгартирмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида Туркманистон бутунлай ўзгариб кетди. У нефть ва «оқ олтин» ўлкасига айланди. Бир антиқа факт келтириб ўтайлик. Эндиликда республикада бир кечакундузда 1913 йилда қанча электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, шу миқдордаги электроэнергия ҳосил қилинмоқда. Келгуси йили Туркманистонда 1 миллион тонна «қора олтин» қазиб олинади. Бу чор Россияси 1913 йилда қазиб чиқарганидан кўпроқдир. Туркманистон саноати суперфосфат ва сульфат кислотаси, электротехника буюмлари ва кабель, қудратли вентиляторлар, нефть насослари ва бошқа қанчадан-қанча мураккаб ускуна ва машиналар тайёрламоқда.

«Ўрта Осиё халқ хўжалиги» журналининг уч қардош республика юбилейига атаб чиқарган 11- сонидаги материалларнинг мазмунини қисқа қилиб бўлсада гапириб бериш қийин. Ҳурматли газетхон! Ўрта Осиё республикаларининг буюк тарихий ғалабалари ҳақида қиқия қилувчи материаллар билан муфассал танишмоқ учун журнални синчиклаб ўқиб чиқинг. Унда Фарғона водийси меҳнаткашларининг зафарлари. Сирдарё бўйида барпо этилган ва барпо этилаётган улкан сув омборлари ижодкорларининг иши, Қорақалпоғистонда қўриқ очиб, шоли экаётган азаматларнинг фидокорлиги билан. Чу водийси деҳқонларининг самарали ишлари билан танишасиз.

Г. МАРКОВ.

КЕКСА МУЗИКА МАКТАБИ

Бухородаги мадрасалардан бирида музика мактаби очилганига 40 йил бўлди. Бу кекса музика мактаби республикамиз ҳамда қардош республикалар санъати равнақи учун 600 дан ортиқ санъат мутахассислари тайёрлаб чиқарди.

Жумладан, республикамизда таниқли композиторлардан СССР халқ артисти Мухтор Ашрафий, Хайри Изомов, Иброҳим Ҳамроев ва бошқа талантли санъаткорлар шу музика мактабининг биринчи ўқувчилари бўлганлар.

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

МАЪНАВИЙ БОЙЛИК ЎЧОҒИ

Ҳар ойда икки марта Туркистон ҳарбий округи офицерлар уйининг театр ва концерт заллари ишчилар, инженер-техник ходимлар, ўқитувчилар ва врачлар, муассасаларнинг хизматчилари ва ҳарбий хизматчилар, уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи аёллар ва пенсионерлар билан гавжум бўлади. Турли касб эгалари бўлган бу кишилар жамоатчилик асосида ишлайдиган халқаро муносабатлар университетининг тингловчиларидир. Бу университет 1961 йил сентябрь ойида, партиямизнинг тарихий XXII съезди арафасида Совет Иттифоқида биринчи бўлиб очилган эди. Ўтган давр ичида университетни 800 дан ортиқ киши тугаллаб чиқди. Ҳозир унинг иккита факультети, яъни умумий маълумот берадиган ва халқаро аҳвол масалалари бўйича лекторлар тайёрлайдиган факультетларида 1300 киши ўқимоқда. Университетда машғулотлар мунтазам равишда жуда қизиқарли қилиб, тингловчиларнинг актив иштироки билан ўтказилаётир. Лекция ва машғулотларни пойтахтимизнинг юқори малақали лекторлари — олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтларининг илмий ходимлари жамоатчилик асосида олиб бормоқдалар. Бундан ташқари университетда қардош мамлакатларнинг вакиллари ва чет давлатларга бориб келган совет кишилари — раҳбар ходимлар, мутахассислар билан учрашувлар ҳам ўтказиб турилади. Университетни жамоатчилик асосида ишлайдиган совет бошқаради. Университет ректори Халқ хўжалиги институтининг доценти Ф. Г. Мукминов, университетнинг илмий секретари ✦ истеъфодаги полковник Г. М. Жданов ва совет аъзолари В. А. Назаров, Г. Ҳидоятов, С. Н. Яковлевларнинг олиб бораётган ишлари алоҳида мақташга сазовордир.

Шаҳар меҳнаткашлари орасида шуҳрат қозонган халқ университетларидан яна бири Чилонзор университетидир. Бу университетнинг бешта факультети, яъни ижтимоий фанлар, адабиёт, педагогика, сиҳат-саломатлик, тасвирий санъат ва музика факультетлари бўлиб, уларда 640 тингловчи ўқиётир. Машғулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Бу университетни ташкил этиш ва унинг ишини яхши йўлга қўйишда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти В. И. Маковнинг хизматини алоҳида кўрсатиб ўтмоқ керак. Бу актив жамоатчи университет ишига жуда кўп вақт ва эътиборини аямаяпти.

Биз юқорида келтирган иккита мисол шуни кўрсатадики, халқ университетлари оммавий пропаганданинг энг муҳим ва меҳнаткашларни жуда қизиқтирадиган формаларидан бирига айланди. Ҳақиқатан ҳам кейинги йиллар мобайнида шаҳарда университетлар сони бир неча баравар кўпайди.

Шуниси характерлики, университетлар фақат сон жиҳатдангина ўсаётгани йўқ, балки уларнинг ишини ташкил қилиш формалари, машғулотларнинг мазмуни борган сари такомиллаштирилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг маданият университетларининг иши тўғрисида қабул қилган қарорига амал қилиб, кейинги йилларда халқ университетларида марисчаленинча назариянинг ва Коммунистик партиямиз сиёсатининг актуал проблемаларини чуқур ўрганишга, совет фани ва техникасининг ютуқларини, саноат ишлаб чиқаришидаги илғор тажрибани кенг пропаганда қилишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан шаҳардаги яна бир университет иши ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ўтган ўқув йили совет савдоси экономикаси ва маданияти университетини 270 савдо ходими битириб чиқди. 130 тингловчи олган билимларини умумлаштириб, муҳим темалар бўйича рефератлар ёзди. Республика Савдо министрлиги рефератларда олдинга сурилган таклифларни савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналари ишига жорий қилиш ҳақида тегишли кўрсатмалар берди.

Университет ишида назария, практика ва тажрибани бир-бирига чамбарчас боғлаб ўрганиш қанчалик муҳим ва фойдали эканлигини биз шаҳар партия қўмитети қошида раҳбар ходимлар-учун ташкил қилинган коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси университети мисолида яққол кўрамиз. Бу университетдаги 14 та факультетда 1000 дан ортиқ партия, совет, комсомол ва касаба союз ходимлари, завод ва фабрика, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг, ўқув юртлари ва турли муассасаларнинг раҳбар ходимлари ўқимоқдалар. Машғулотлар ойда икки марта ўтказилиб, муҳим назарий проблемалар бўйича лекциялар ўқиладн, республика ва Ўрта Осиё органларн раҳбар ходимларининг докладлари тингланади. Ўтган ўқув йилида университетда Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. В. Деболюк, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари Г. П. Владимиров, тарих фанлари докторлари М. Г. Ваҳобов, Ҳ. П. Турсунов, шунингдек партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари лекция ўқидилар.

Будтурги ўқув йили бу университетда «Ленинча иш услуби учун» деган темада назарий конференция ўтказиш билан тугалланди. Конференцияда ленинча иш услубининг муҳим принципларига оид 22 та доклад тингланиб, муҳокама қилинди. Конференцияда раҳбар кадрларнинг иш услуби ва методларини такомиллаштиришга қаратилган тавсияномалар қабул қилинди.

Биз юқорида намунали университетлар, уларнинг иш тажрибаси ҳақида гап юритдик. Сўзсиз, шаҳардаги ҳамма университетлар бир хил ишлаяпти, дейиш нотўғри. Баъзи бир университетларнинг ишида ҳали ҳам нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Чунончи, айрим жойларда жамоатчилик асосида тузилган университет советлари актив ишламаётир, машғулотларнинг ўтказилмай қолиш ёки бу машғулотларда фақат лекция формасидан фойдаланиш ҳоллари юз бермоқда.

Ҳозирги вазифа мавжуд камчиликларни бартараф этиб, барча университетларнинг яхши ва мазмунли ишлашини таъминлашдан иборатдир. Шундагина биз шаҳардаги халқ университетларининг шу ўқув йилида давом этаётган Бутуниттифоқ жамоат кўригидан муваффақиятли ўтишига пухта замин яратган бўламиз.

А. МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети идеология бўлимининг мудири.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ *2

15 ДЕКАБРЬ. 1964 ЙИЛ
№ 289 (12.943).

ДАЛАЛАР УЙҒОҚ

Айни саҳар чоғи. Тун бўйи ёғиб чиққан қор учқунлари ерни оқартирган. Шамол юзларни чимчилайди. Шундай паллада ҳам далаларда тракторлар овози бетиним гувиллайди.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Обиддин Нажмиддиновдан сўрадим:

— Бирор жойда трактор ботиб қолганми, дейман?

Партком секретари мийғида қулди. Мен эса уни ранжитиб қўймадимми, деб безовталаниб турардим. Унга яна шу савол билан мурожаат қилмоқчи эдим-у, лекин тилим бормади. Нажмиддинов буни тушунди чоғи, елкамга қўл ташлаб, бундай деди:

— Бизда трактор ботиб қоладиган ер йўқ. Сиз эшитаётган овоз — далада ишлаётган тракторларнинг шовқини. Механизаторларимиз кечаси ҳам шудгор қилишяпти. Тракторлардан унумли фойдаланиб, ер ҳайдашни шу яқин орада тамомламоқчимиз.

Шундай паллада ширин уйқусини тарк этиб, ер ҳайдаётганлар ким экан?

Партком секретари Обиддин Нажмиддинов билан бирга дала томон йўл олдик. Биз кўчага чиққанимизда кўкда оқпар булутлар сузиб юрар, атроф қоронғи эди. Тўғри тракторлар овози эшитилаётган пайкалга шошилдик. Ҳадемай, механизаторлар ёнига етиб бордик. Икки трактор икки томондан ўрмалаб келар, плуг тишлари ерга ботиб, тупроқни майин агдариб борарди. Биз тракторчилар ишини анчагача кузатиб турдик. Бу маҳал ғира-шира тонг ота бошлади...

— Одамларингиз ҳам, далаларингиз ҳам кечаю кундуз уйғоқ экан-да! — дедим партком секретарига.

У табассум билан менга қаради ва:

— Ерни кузда ҳайдамасанг фойда бермайди, шудгорлашни тезроқ тугаллаб олсак, марра бизники. Вақтида ишлаб, вақтида дам олганга нима етсин!

Партком секретари ҳақ гапни айтди. Етти йилликнинг олтинчи йилида 1.200 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан «оқ олтин» кўтарган Москва бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози механизаторлари келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш мақсадида дала ишларини ҳозирданоқ қизитиб юбордилар. Ғўзапоя юлиш, ер ҳайдаш, далага маҳаллий ва минерал ўғитлар чиқариш, сув шохобчаларини қазиш ва ремонт қилиш ишлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ҳозиргача далаларга 6.000 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит солинди.

Айниқса механизаторларнинг ҳиммати баланд. Шу кунгача 800 гектар ер сифатли ҳайдаб қўйилди. Саккизта «ДТ-54» маркали ҳайдов трактори бетиним гуриллаб турибди. Механизаторлар мусобақасида Мўминжон Турсунов билан Собиржон Неъматуллаев ўртоқлар олдинда боряптилар. Улар топшириқни икки баравардан ошириб бажаришяпти.

Илғор тракторчиларнинг тажрибаси кенг оммалаштирилаётганлиги туфайли Тоштемир Қўчқоров, Абдуллахон Бурҳонов, Маматқул Ортиқов каби механизаторлар ҳам ғайрат кўрсатиб, шудгорлаш топшириғини ошириб ado этмоқдалар.

Келгуси йили гектаридан 30 центнерга етказиб «оқ олтин» топширишга аҳд қилган бу ҳўжаликнинг миришкор деҳқонлари кузги шудгорлашни яқин кунлар ичида тугаллаш учун бутун куч ва имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар. Бу ишда механизаторлар мусобақасининг карвонбошиси Мўминжон Турсунов ва Собиржон Неъматуллаев ўртоқлар алоҳида ўрнак кўрсатишяпти.

Абдулла РАҲИМОВ.
Андижон области.



Фарғона районидаги «Победа» колхозининг Мамажон Муллажонов бошлиқ комплекс механизациялашган комсомол-ёшлар бригадаси 12 йигит ва қиздан иборат. Улар 84 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштирдилар. Ҳозир бригадада келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин яратилмоқда. Ерлар ўғитланиб, шудгор қилиняпти. Суратда: бригада бошлиғи механизатор ўртоқ М. Муллажонов ўғит сепадиган агрегатга гўнг юкламоқда.

С. Сайфиддинов фотоси.

ФЕРМАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Шаҳрисабз бошқармасидаги Собир Раҳимов номли колхоз чорвадорлари маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда яхши натижаларга эришдилар. Улар 2540 центнер гўшт, 5341 центнер сут, 202 центнер жун ва 159 минг дона тухум етиштириб, бу соҳадаги топшириқларни анча ошириб ado этдилар. Колхоз давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш планларини тўла бажарди.

Ҳ. ҚУРБОНОВ.

●

Майсахон Тўйчиева Ҳўжаобод бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг илғор сут соғувчиларидан ҳисобланади. У ҳар бош сигирдан ҳозиргача 2000 килограммдан ортиқ сут соғиб олди.

Р. СУЛТОНОВ.

●

Шаҳрисабз ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қишлиқ» совхозининг чорвадорлари давлатга гўшт сотиш йиллик планини муваффақиятли бажардилар. Кабул пунктига 730 центнер гўшт топширилди.

Н. ЛОЖКИН.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

МЕҲР ЧАШМАСИ

— Отангнинг боғи, чорбоғи билан қолгунча онангнинг пилта савати билан қол, — деган нақл юрарди ўтмишда халқ орасида. Ҳа, бу нақл бевафо, беҳер оталар шаънига айтилган. Биз, сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган киши ўн боланинг отаси — меҳрибон падар. Унинг сиймосида мушфиқ онадаги болажонликни, жафокашликни, олижанобликни кўрасиз. У метин иродаси билан тог чўққиларида азамат қояларни ёриб ўсган мардонавор чинор дарахтини эслатади. Азиз газетхон, эшитинг. Оталаримизгагина эмас, баъзи оналаримизга ҳам ўрнак бўлгудек мўътабар зот, азиз инсон ҳақида ҳикоя қиламиз.

Қаҳратон қиш, қор бўралаб ёғарди. Болахонага ўтин олиш учун чиққан Бўринисо опа шотидан йиқилиб тушиб, ҳушидан кетди. Врачларнинг уринишлари фойда бермади. У уч кундан сўнг ҳаёт билан, жигар-гўшалари билан видолашди.

Хотинининг кутилмаганда вафот этиши Толипжон акани эсанкиратиб қўйди. Ахир бир эмас, икки эмас ўн болани тарбиялаш унинг қўлидан келармикин? Болаларнинг энг кичиги бир ярим яшар, қолганлари ҳам боғча ва мактаб ёшида ҳали.

— Болаларни болалар уйига топширинг, — деб маслаҳат беришди маҳалладаги баъзилар.

— Ешсиз, уйлантириб қўяйлик, — дейишди яна бошқалари.

Йўқ, Толип ака болаларни ўз бағрида олиб қолди. Севган хотинини унута олмади, унга абадий содиқ бўлиб қолди.

Унинг ҳаётида энг масъулиятли, энг қийин дамлар бошланди. У аёлларнинг уй юмушлари ва болалар тарбиясидаги хизматлари нақадар буюк эканини ҳис этди. Барча қийинчиликларга пешвоз чиқди, бардош берди, енгди. Она бўлиб болаларни бағрида ардоқлади, ота бўлиб уларнинг ғунча дилидаги орзуларни англади. Оқ ювди, оқ таради, йиртиқларини ямади. Гулшандаги гуллар ранго-ранг бўлганидай оила фарзандларининг ҳам ҳар бири ўзига хос характер, хусусиятларга эга. Ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бўлак эди болаларнинг. Меҳрибон ота болаларини ўкситиб қўймаслик учун оромидан кечди, қийналди, баъзан тунларни уйқусиз ўтказди. Онасини қумсаб йиғлаган кенжатой ўғлининг бошида соқчилик қилди. Аллалар айтиб овутди. Чўпчаклар айтиб юпатди.

Толип ака ҳар тонг барвақт турар, ҳовлини супуриб, сув сепар, самовар қўйиб нонушта тайёрлагач, болаларни уйготарди. Кичиктойларини қучоғига олиб ўтириб овқат едирарди. Болаларни чой ичириб бўлгач, кийинтириб мактабга жўнатар, уларнинг келишини интизор бўлиб кутарди. Болаларининг ўқиши, давомати билан қизиқиб мактабга ҳам бориб турар, меҳрибон ўқитувчиларнинг суҳбатида бўларди.

Толип ака — оддий аравакаш. Ҳа, шу оддий одамнинг оилага, фарзандларига бўлган дарёдай тошқин, хаёллардай теран меҳри, пўлатдай мустаҳкам иродаси, гўдак сийнасидай беғубор, пок садоқатига қариндош-уруғлар ҳам, маҳалладагилар ҳам таҳсинлар ўқишади.

Йиллар ўтди. Жафокаш ота фарзандларини жон пардасида авайлаб вояга етказди. Партия ва ҳукуматимиз уларни нафақа билан таъмин этиб турди. Болалар ота меҳр чашмасидан баҳра олиб она бағридагидек безавол улғайишди. Тотув оиланинг аъзолари бир-бирига меҳрибон бўлиб ўсишди. Толип аканинг қизларидан Зарифа Холтоева тоғ техникумини битириб заводда ишлаётир. Раъно эса мебель фабрикасининг илғор ишчиси. Дилбархон босмахонада ишлаш билан бирга педагогика институтининг 5-курсида ўқийди. Ҳайринисо алоқа техникумида, Шарифахон тоғ техникумида ўқишади. Моҳи Холтоева эса 5 боланинг онаси. Наймахон 11-синфни битириб Бирлашган нашриётнинг босмахонасига ишга кирди. Эркинжон бу йил 10-синфни тамомлайди. Толип ака 3 қизини куёвга узатди, бир ўғлини уйлантирди. Ҳозир ўндан ортиқ неваралари бор. Ўғил-қизлари, уни ўтқизгани жой топиполмай, бошларига кўтаришади.

Мана, Холтоевлар оиласи даврасидамиз. Толип аканинг қизлари уни қалин қилиб солинган кўрпачалар устига ўтқизиб, атрофида парвонадек бўлиб елиб-югуришаётир. Бири аччиқ чой дамлаб келтириб қўйса, яна бири унинг орқасига дар болишлар келтирди. Неваралари ҳам шу ерда экан.

— Болаларим, овунчоқларим, кўзимнинг нурлари, — деб эркалар, бағрига босарди Толип ака невараларини.

Ҳа, Толип ака энди бир йўла йигирма болага ҳам ота, ҳам онадир. Келини, куёвлари уни иззат қилишади. Ахир бутун йигитлик чоғларини, меҳрини, ғайратини, иродасини шу оила бахти учун сарф этган кишини иззат қилмай бўладимми.

Оила аъзолари бугун оналарининг вафот этганига 11 йил тўлган кунни эслаб йиғлишди. Меҳрибон онанинг хотираси учун улар дастурхон атрофида бир дақиқа сукут сақладилар. Қизлар оналари хотирасини ҳурмат билан ёдга олар эканлар, унинг муҳаббатига содиқ бўлиб яшаб келаётган меҳрибон дадаларининг ҳузурида таъзим қилдилар.

— Бизларни она-Ватанга садоқатли, меҳнаткаш инсон қилиб тарбиялаган, безавол ёшлигимизни ардоқлаб авайлаган, қуёшдай меҳри билан қалбимизни иситган меҳрибон падаримизни улуғлаймиз, унинг ҳузурида бош эгамиз ва умрбод унинг хизматидамиз, — дейди опасингиллари номидан Наима Холтоева.

Биз ажойиб инсон, қаҳрамон ота Толип аканинг суҳбатида бўлдик. Унинг нуроний чеҳраси бардошли қалбининг чуқур бурмаларида меҳр бўлиб, оташ, нур бўлиб яшаётган садоқатдан далолат бериб турарди. Ҳа, инсон табиат эътибори билан гўзаллик, улуғворлик соҳибидир. Биз ана шундай инсонни улуғлаймиз.

Раҳмат, жафокаш ота. Энди фарзандларингизнинг роҳатини кўринг.

Эътибор ОХУНОВА,
Комила ЮМАЕВА.

КЕЧАГИ ПОЧТА

Кеча редакция газетхонлар ва ишчи-деҳқон мухбирлардан 85 хат-хабар, 4 шиноят, 5 фото сурат олди. 3 шиноят-хат тенширилиб, чора кўриш учун маҳаллий партия ва совет ташкилотларига юборилди. Бир шиноят юзасидан тегишли ташкилот раҳбарлари билан телефон орқали боғланиб, шиноятчига амалий ёрдам берилди. Қолган хат-хабарлар бўлимларга чиқарилди. Қуйида кечаги почта материалларининг айримларига эътиборингизни жалб қиламиз:

ЯНГИ МАРШРУТ

Киров районидаги Яккатут қишлоқ Совети билан қардош Тожикистон ССРнинг Конибодом шаҳри ўртасида янги маршрут бўйича автобус қатнай бошлади. Бу йўловчилар учун анча қулайлик тиғдирди.

А. ТОШПУЛАТОВ.

ТОМОШАБИНЛАР ҲУЗУРИДА

Яқинда Қўқон шаҳридаги «Ўзбекистон» кинотеатрида «Қаердасан, Зулфия» номли бадиий кинофильм ижодкорлари томошабинлар билан учрашдилар. Кечада сценарий автори ёзувчи Раҳмат Файзий, киноартистлардан Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев ва кинорежиссёр Латиф Файзиевлар фильм қандай яратилганлиги ҳақида сўзлаб бердилар.

Кеча охирида «Қаердасан, Зулфия» фильми намойиш қилинди.

У. НАЗАРОВ.

ШИНАМ БИНОЛАР

ҲЎЖАОБОД РАЙОН МАРКАЗИ ТОБОРА ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛЯПТИ. ЯҚИНДА БУ ЕРДА ЯНГИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ҲАМ. ДА УЧ ҚАВАТЛИ КАСАЛХОНА БИНОЛАРИ ҚУРИЛИБ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

С. РАЖАБОВ.

ЮТУҚЛАР МУБОРАК

Шаҳрисабз шаҳар касалхонасининг врачи Абдулла Ҳамроқулов яқинда ўтказилган пул-буюм лотереясига «Москвич» маркали автомашина ютди. Шунингдек, Тошкент шаҳар гўшт комбинатининг ишчиси Одил Иноятов ҳам «Москвич» автомашинаси ютди.

Э. ШОНАЗАРОВ,
И. ҚОБИЛОВ.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Куни кеча Тошкент шаҳар бадиий буюмлар фабрикасида «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг ходимлари билан учрашув кечаси ўтказилди. Кечада редактор Ўринбосари Х. Аҳророва журналнинг 40 йил ичида босиб ўтган шонли йўли ҳақида сўзлаб берди.

О. ЮСУПОВА.

РАВОН ЙЎЛ

Сирдарё районидаги «Гулистон» совхозининг ишчиси бўлимига олиб борадиган йўлга асфальт ётқизилмоқда. Йўл янги йил арафасида фойдаланишга топширилади.

О. СОДИҚОВ.

КЕЛАСИ ЙИЛ ТАРАДДУДИ

(МУХБИРЛАР ХАТЛАРИДАН)

Республикамизнинг юбилей йилида «оқ олтин»дан улкан хирмон кўтарилди. Лекин етти йилликнинг сўнгги йили режалари ундан ҳам улканроқ. Бу эса янги ҳосилга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўришни талаб қилади. Шундагина кўклам дала ишлари муваффақиятли ўтади. Пешқадам пахтакорларимиз ана шуни ҳисобга олиб, келгуси йил тараддудини ҳозирдан кўрмоқдалар. Қишлоқ мухбирлари ана шулар ҳақида хабар қиладилар.

Т. Қурбонов, У. Исматов, Ф. Ҳамроев, М. Аҳмедов ўртоқларнинг хатларида кўрсатилишича, Ғиждувон бошқармасидаги Ленин номли ва Энгельс номли, Вобкент бошқармасидаги «Ленинград» колхозларида, Ромитан бошқармасидаги «Ромитан» совхозида 1965 йилда янги марраларни кўзлаб иш қилинаётир. Пахта майдонларини шудгорлаш, далаларга маҳаллий ўғит чиқариб тўкиш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари кун сайин кучайтириляпти. Энгельс номли колхозда 4100 гектар экин майдонидан 2000 гектари шудгорлашдан чиқарилди. Далаларда 22 ҳайдов трактори кеча-кундуз унумли ишлаб турибди.

Навоий бошқармасидаги Свердлов номли колхоз правлениеси, деб хабар қилади ўртоқ А. Отаев, пахта ҳосилдорлигини ошириш соҳасида бу йил эришилган муваффақиятларни амалий иш билан мустаҳкамлаётир. Колхоздаги 11 бригаданинг ҳаммасида далалар ғўзапоядан тозаланди. Ҳозир бу ерлар ўғитланиб, чуқур шудгор қилиняпти. 8 та трактор билан бир кечакундузда 75-80 гектар ер ҳайдалмоқда. 120 колхозчи далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқаришга сафарбар этилди. Улар ихтиёрига 3 та автомашина, 14 та тележка ва 11 арава берилди.

Поп бошқармасидаги Ленин номли, Қува бошқармасидаги Карл Маркс номли, Ўзбекистон бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхозларида, шу бошқармадаги «Ўзбекистон» ва Киров бошқармасидаги Киров номли совхозларда ерларни шудгорлаш тез суръатлар билан олиб бориляпти. Ленин номли колхознинг ғўзапоядан тозаланган 1750 гектар еридан шу кунга қадар 700 гектари сифатли шудгор қилинди. Тракторчилардан Т. Шомедов, М. Тожибоев, С. Турсунов, М. Аҳмедов ўртоқлар кунига 6-7 гектардан ерни сифатли ҳайдаётирлар. Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга 300 килограммдан суперфосфат ва 5 тоннадан маҳаллий ўғит солинмоқда. «Ўзбекистон» колхозида пахта майдонларини шудгорлаш тугалланай деб қолди. Киров номли совхознинг Фрунзе номли бўлимида 300 гектар ер чуқур ҳайдаб қўйилди. А. Эрнабоев, И. Эҳсонов, А. Паттаев, Б. Шокиров, А. Тошпўлатов ўртоқлар шулар ҳақида ёзиб юборганлар.

Бундай қувончли фактлар ўртоқ С. Маҳмудовнинг Пастдарғом бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозидан, ўртоқ Д. Мусурмоновнинг Бухоро областидаги «Нарпай» совхозидан, ўртоқ У. Шароповнинг Янгийўл бошқармасидаги «Халқобод» комбинатидан йўллаган хат-хабарларида ҳам келтирилади. «Нарпай» пахтачилик совхозининг механизаторларидан Е. Юнусов, С. Боймонов, О. Эрназаров, Т. Бозоров, Р. Исломов, Р. Беляев ўртоқлар «зангори кема» штурвалидан ҳайдов тракторларининг рулига ўтдилар. Улар фидокорона меҳнат қилиб, кунлик ер ҳайдаш ғрафигини тўла ва ошириб ado этмоқдалар. «Партия XXII съезди» колхозида ва «Халқобод» комбинатида ҳам шудгорлаш, ерларни текислаш ва бошқа кузги-қишки тадбирлар тобора кучайтирилмоқда.

Гулистон бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхозининг правлениеси, Сирдарё бошқармасидаги «Сирдарё», Учқўрғон бошқармасидаги «Учқўрғон» совхозларининг дирекциялари ҳамма ишчи кучларини келгуси йил тараддудини кўришга сафарбар этдилар. Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг астойдил меҳнати туфайли дала ишлари графиги ортиғи билан бажарилмоқда. Масалан, «Сирдарё» совхозида ҳар куни топшириқдаги 60 гектар ўрнига 70-75 гектар ер шудгорлашдан чиқарилянти. Тракторчилардан З. Турдибеков, Х. Шоқулов ўртоқлар ҳайдаётган ерлар 7-8 гектарни ташкил этади. Бу — кунлик графикда белгиланганидан 2-3 гектар кўпдир. «Ўзбекистон» колхозида ва «Учқўрғон» совхозида ҳам ерни шудгорлашда, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришда, экин майдонларини текислашда ва бошқа кузги-қишки тадбирларни амалга оширишда кунлик график орқада қолиб кетди. М. Ашуров, Ю. Абдуалимов, У. Раҳматуллаев йўллаган хабарларда ана шу мисоллар келтирилади.

Т. Турдиқулов, Р. Хўжамбердиев, Т. Ашуров каби тракторчиларнинг тер тўкиб ишлаётганликлари натижасида Задарё бошқармасидаги «Гулбоғ» совхозида қисқа вақт ичида 2700 гектар ер 28-30 сантиметр чуқурликда шудгор қилинди. Амударё бошқармасидаги Крупская номли, Ҳазорасп бошқармасидаги Нариманов номли колхозларнинг механизаторлари ҳам шудгорлашни тезроқ тугаллаш учун курашиб, ер ҳайдашда суръатга суръат қўшмоқдалар. Редакцияга бу тўғридаги хабар Б. Маҳмудов, С. Юсупов, А. Маткаримов ўртоқлардан келди.

Ер ҳайдашда ҳозирги кунлар жуда ғанимат. Лекин баъзи колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу кунларнинг қадрига етмаётирлар. Ана шундай жойларда шудгорлаш ва бошқа кузги-қишки дала ишлари кучайтириб юборилмаётир. Шовот бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозида, дейилади ўртоқ Р. Эгамбердиев юборган хатда, тракторлардан ер ҳайдашда тўла фойдаланилмаяпти. Бу эса шудгорлашнинг орқага сурилишига сабаб бўлмоқда. Бошқа экинлардан бўшаган ва аллақачонлари шудгорлаб қўйилиши лозим бўлган 165 гектар ердан энди 85 гектари ҳайдалди. Пахта майдонларини шудгорлашга ҳали киришилгани йўқ. Колхоз раиси ўртоқ Н. Полвоновнинг парвойи палак. Бундай танқидий фактлар қишлоқ мухбирларидан олинган бошқа хат-хабарларда ҳам бор.

Вақт кутиб турмайди. Ерни шу кунларда соз ҳайдаб қўймаган, бошқа кузги-қишки агротехника тадбирларини пухта амалга оширмаган деҳқон баҳорда панд ейди, экишнинг чўзилиб кетишига, дала ишларининг пала-партиш ўтказилишига сабабчи бўлади. Бу эса экишдан кейинги агротехника тадбирларини ўтказишга салбий таъсир қилади. Бунга йўл қўймаслик учун 1965 йил кўкламини ҳар тарафлама шайланиб кутиб олайлик.

Хатларингизга ЖАВОБ берилди

ЗАРУР БУЮМЛАР

Каттақўрғондан ёзилган бир шиноят хатида шаҳардаги савдо шохобчаларида аҳоли учун баъзи зарур буюмлар (пиёла, чойнак, электр лампочкаси, болалар пайпоғи ва бошқалар) топилмаётганлиги айтилган. Редакция бу шиноятни текшириб, чора кўриш учун шаҳар ижроия комитетига юборган эди.

Каттақўрғон шаҳар ижроия комитетидан олинган жавоб хатида бундай дейилади:

— Текширишда магазинларда айрим зарур буюмлар узилиш бўлиб қолгани аниқланди. Магазинларга чинни идишлар, электр лампочкаси, пайпоқ, болалар пойафзаллари, қишлик кийим-кечаклар келтириляпти.

ОИЛА МИННАТДОРЛИГИ

Редакцияга ёрдам сўраб шиноят хати йўллаган Норой Сафарқулова Сурхондарё область, Шеробод район «Сайроб» совхозида уборишчица бўлиб ишлайди. У хатида эри узоқ вақтдан бери касаллиги, ўзи олаётган маош озлиги, яшаб турган уйи жуда торлигини билдирган эди.

Бу ишга редакция аралашди. Совхоз дирекцияси шиноятни текшириб, ундаги фактларни тўғри топди. Сафарқуловлар оиласига амалий ёрдам кўрсатилди. Шу жумладан 4 хонали янги типдаги уй берилди, 15 сотих томорқа ажратилди, моддий ёрдам кўрсатилди ва эри Сафарқулов енгил иш билан таъмин этилди.

Сафарқуловлар оиласи ғоят хурсанд бўлиб, бу ғамхўрлик учун миннатдорлик изҳор қилди.

«ҚАРСАК ЧАЛМАГАН КИШИ»

Янги китоблар

Зиновий Рибакнинг ҳажвий ҳикоя, фельетон, ҳажвлари яқинда Москвадаги «Правда» нашриётида алоҳида китоб бўлиб босилиб чиқди. Бу китобни ўқир эканмиз ёзувчининг зийрак кузатувчи эканлигига, кишилар ҳаётида баъзан учраб турадиган эскилик сарқитлари устидан жуда усталик билан кула олганлигига тан бермасдан иложимиз йўқ. Зиновий Фотиевичнинг нигоҳидан ҳеч нарса қочиб қутулмайди: шахсий манфаатини кўзлаб халқ, давлат манфаатини оёқ ости қилувчилар, ўз раҳбарига пойи патак бўлиб, бир амаллаб «ёғли» вазифада ишлаш пайидан юрган лаганбардорлар, ҳар бир нарсага хавфсираб, ҳадик билан қараб ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам оромини ўғирловчилар — мана шуларнинг ҳаммаси автордан қочиб қутулолмайди.

«... Патап Петрович Еремейкин ҳовлиқиб уйга келди-да, диванга ўзини ташлаб ҳушидан кетди. Хотини «тез ёрдам» чақиради.

— Ёши нечада? — деб сўрайди дарҳол етиб келган доктор.

— 43 да, мендан 11 ёш катта.

— Неча ёш катталигининг биз учун аҳамияти йўқ, — дейди доктор совуққина, — иш жойи, вазифасини айтинг.

— «Заготсеб» идорасида омбор мудири! — аллақандай фахрланиш билан дейди хотини.

Анкетани тўлдириб бўлгач, доктор касалга дори-дармон қилган бўлди. Бир оздан сўнг Еремейкин кўзини очиб, оғир уҳ тортди, тили галга аранг келиб:

— Кўтаришди... — деб қўйди у.

—Бемор, айтсангиз-чи, нима бўлди ўзи сизга, ҳаяжонланишингизнинг боиси нима? — ташвиш билан сўради доктор, — нимани кўтаришди, бундоқ бир тушунтириб айтсангиз-чи.

— Ҳамма, ҳаммасини... Ўзимни ҳам..., маошимни ҳам кўтаришди.

— Қанақа вазифага кўтаришди? — ҳовлиқиб, энтикиб сўради хотини.

— Бўлим мудирлигига... — ҳазин овоз билан деди эри.

— Бундай қилишга ҳақлари йўқ!... Мен бунга тоқат қилолмайман! — деб қичқирди хотини. Сўнг ўзи ҳам ҳушидан кетиб йиқилди...»

«Зарб» номли ҳикояда келтирилган шу қичкина бир деталда автор ўз бахтини, ҳаётини вировлардан юлиб-юлқиш, давлатдан тортқилаш ҳисобига қурган икки текинхўрнинг ёрқин образини чизиб беради. Бу эр-хотинлар учун каттароқ вазифа-ю, каттароқ маошнинг кераги йўқ. Ўғирликка имкон берадиган иш бўлса бас! Шунинг учун улар омбордан узоқлашаётганини эшитиб, бараварига ҳушидан кетишади. Уларни ҳушга келтириш учун докторнинг дори-дармонлари фойда келтирмайди. Омборга мудир бўлиб қайтадан тайинланганини эшитгач, эр-хотин яна ўзига келади.

Китобчадаги қайси бир ҳикояни, қайси бир фельетонни ўқиманг, кичик бир деталь, кичик бир штрих орқали кишиларнинг бир-бирига бўлган муносабати, улар онгидаги қолоқ тушунчалар рўй-рост очиб ташланганини кўрамиз. Қаҳрамонлар тилидаги қуруқ ваъзхонлик, схематизм, баландпарвозликни бўрттириш билан автор қотиб қолган, баҳоқи бюрократнинг образини яратса, «қуллуқ», «хўп бўлади», «жоним билан», «бош устига», «озор чекмасинлар» иборалари орқали лаганбардор кишилар образини чизиб беради. Бу ҳолатни биз «Қарсак чалмаган киши», «Темурланг девори» номли ҳикояларда кўрамиз.

Тўпламга киритилган асарларнинг кўпчилиги икки ё уч бетдан ошмайди. Аммо уларда олам-олам мазмун, олам-олам маъно бор. Автор кичик ҳикояда ҳам катта фикрлар баён қилиш мумкинлигини исботлаган. «Мажбурий бўса», «Дача», «Жакр белгиси» сингари ҳикоялари ўқувчини аввал обдан кулдиради, сўнг ўйга толдиради.

Ана шундай сергавқ ҳикоялар, ана шундай ўйлантириб қўядиган фельетонлар яна ҳам кўпайсин. Авторга билдирадиган бирдан-бир истагимиз шу!

Худойберди ТУХТАБОЕВ.

ҚОРАҚАЛПОҚ АСАЛИ

Мамлакатимизнинг баъзи районларида асаларичиликни ривожлантириш учун махсус экинлар экишга тўғри келади. Қорақалпоғистон АССРда эса бунга сира ҳожат йўқ. Чунки Автоном республика территориясида табиий ўтлар кеч кузгача гуллайверади.

Шунга қарамай фақат айрим хонадонлардагина асал ари бўлар эди. Эндиликда асаларичилик қишлоқ хўжалигининг катта даромад берадиган тармоқларидан бирига айланмоқда. Ҳозир республикада беш мингга яқин асалари ини бор.

Кўпгина колхоз ва совхозларда мўл асал олинмоқда. 43 та асаларичилик фермасида ўтган йили 700 центнер асал олинди. Бу эса ҳар бир инга ҳисоблаганда 18 килограммданга тўғри келади. «Кегайли» совхозида ҳар бир индан 52 килограммдан, Тўрткўл районидаги Максим Горький номли колхозда 40 килограммдан асал олинди.

Асалда инсон соғлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган глюноза, кислоталар, витаминлар, микроэлементлар кўп. Қорақалпоғистонда бу йил тўрт хил экиндан тўпланган асал олинди. Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Қорақалпоғистон асали юксак баҳоланиб, олтин медаль билан тақдирланганлиги бежиз эмас.

Республика асаларичилари бу йил камида 1000 центнер сифатли асал етказиб бериш мажбуриятини олган эдилар. Улар 1050 центнер маҳсулот топшириб, ўз мажбуриятларини ошириб бажардилар.

Бу ерда гулида нектар бўлган 150 хилдан ортиқ табиий ўтлар ва экинлар ўсади. Шуни ҳисобга олиб асаларичиликни бутун моралар билан ривожлантириш керак. Қорақалпоғистонда бедачилик янада ривожлантирилади, ҳатто ихтисослаштирилган бедачилик хўжаликлари ташкил қилиш кўзда тутилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Автоном республикада асалари инларини 10-15 баравар кўпайтириш ва кўп.габ асал олиш учун барча имкониятлар бор. Амударё жиловланиб, янги ерлар ўзлаштирилиши билан асаларичиликни янада ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар вужудга келади. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бу янги, сердаромад соҳасини ривожлантиришга тегишли эътибор беришлари керак.

Н. МАДГАЗИН.

3* СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

15 ДЕКАБРЬ, 1964 ЙИЛ
№ 289 (12.943).

ҚОРБОБО БИЛАН СУҲБАТ

Бу йил арча байрами қаерда, қандай ўтишини, янги йил байрамига жойларда қандай тайёргарлик кўрилаётганини Қорбобонинг ўзи текшириб юрган экан. У қорли Памир ва Чатқол тоғлари этагидаги бир қанча шаҳар ва қишлоқларда, айниқса чанғи мусобақалари ўтказилган Чимёнда, Бурчмуллада, Оҳангарон шаҳрида, қор кам ёғадиган Термиз, Қарши шаҳарларида бўлибди. Қорбобо шу баҳона билан СССР картасидан ўрин олган янги шаҳарлар: Газли, Навоий, Устюртни бориб кўрибди.

Биз Қорбобони Тошкентда учратиб, унга арча байрами ҳақида саволлар бердик:

— АРЧАНИ ҚАЧОН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН?

— Республикамизда арчазор ўрмон йўқ, — деб сўз бошлади у, лекин Удмурд ва Шарқий Сибирдан ўзбекистонликлар учун 170 минг дона арча келтирилади. Шу кунгача 30 минг дона арча олиб келинди.

18 декабрдан бошлаб республикамизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида, район маркази ва посёлкаларда арча савдоси бошланади.

— ЭНГ КАТТА АРЧА ТОШКЕНТНИНГ ҚАЕРИДА ЎТКАЗИЛАДИ?

«Узсовпроф»нинг маданият бўлими бошлиғи В. А. Патрушова Қорбобо билан суҳбатлашиб қолди:

— Бу йил ҳам республикамизнинг шаҳарларида, пойтахтимизда арча байрамлари ўтказилади. Фарғона нефтчилари, Қўқон суперфосфат заводи ишчилари 6 минг болага мўлжаллаб байрам совғалари тайёрладилар. Хоразм шаҳридаги арча байрами 5 минг кишига мўлжалланган. Тошкент тўқимачилар саройида бўладиган арча байрамига 10 минг киши қатнашади. Троицкий дам олиш уйида қишки пионерлар лагери ташкил қилиниб, бу ерда 500 ўқувчи арча байрами ўтказади.

— Энг катта ва қизиқ арча байрами Сув спорт саройида бўлади. Бу ердаги арча байрамига мактаб ёшигача бўлган болалардан 10 минг ва ўқувчилардан ҳам 10 минг киши қатнашади. 20 минг кишига мўлжалланган бу катта арча байрами Иттифоқимизда биринчи марта ташкил қилинмоқда. Арча ҳовуз устига ўрнатилади. Сузувчи спорт мастерлари ҳам, қор қизи ҳам сувнинг ичидан чиқиб томоша кўрсатишадида, яна сувнинг ичига «кириб кетишади». Бундай томоша қизиқ ва завқли бўлмайдими! Қорбобо ҳам сув устида юриб, совға тарқатади. Энг катта, энг қизиқ бу арча байрамида «сир» кўп. Уни биз айтиб ўтирмаймиз. Бу «сир»ларни шу байрамга келганларнинг ўзлари билиб олишади.

БАЙРАМ КУНЛАРИ ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Қорбобо об-ҳаво бюросига телефон қилиб, гаплашибди. Одатда ҳаво ҳақидаги аниқ маълумот бир ҳафта муддатига берилади. Янги йилга ўтар кечаси қор ёғса жуда қувончли бўлар эди-да. Биз байрам кунлари қор ёғишини кутиб турибмиз.

Р. ИСҲОҚОВ.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

15 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Ёмғир ёғмоқчи** (болалар учун фильм-эртак), 18.20 — **Телевизион янгиликлар**, 18.25 — **Ягона энергетика системаси**. 19.00 — **Телевизион миниатюралар**, 19.35 — **Концерт** (ўзб.).

20.25 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.30 — **Тимка** (телефильм), 20.45 — **Телевизион янгиликлар**, 21.00 — **Реклама ва эълонлар**, 21.05 — **Ой кўрсатади** (телеочерк), 21.35 — **Рассом нурашади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18. 10 **Болалар, буни унутманг** (кинофильм), 18.40 — **Люба Молдаван хати** (ҳужжатли фильм), 19.00 — **Тошкент янгиликлари**, 19.10 — **Мен яшайдиган уй** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.40 — **Ёшлар ижоди**, 21.05 — **Тошкент янгиликлари**, 21.15 — **Олов гуллар** (телефильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/XII да **Сарвқомат дилбарим**, 16/XII да **Номаълум киши.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/XII да **Ёшликда берган кўнгил.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 16/XII кеч соат 7 яримда 9-абонемент бўйича коммунистик меҳнат бригадалари учун: **«Оммабоп музика»** деган темада **суҳбатли концерт.** Абонементлардан ташқари билетлар ҳам сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Литва цирки артистларининг гастролари** ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуров гастролининг давоми.**

КИНО

Давлат жиноятчиси — «ВАТАН», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «СПУТНИК», «МОСКВА», «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 11, кундуз 3, кеч 6-45 минут ва 8 яримда).

Гражданлар!

Қариндош, дўст ва танишларингизни

ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ТАБРИКЛАШ УЧУН

махсус почта открытиналари ва конвертларидан фойдаланинг.

Табрик телеграммаларини барвақт беринг.

Алоқа бўлимларида 16 декабрдан 20 декабргача бўлган муддатда табрик телеграммалари ва фототелеграммалар имтиёзли тариф юзасидан (50 процент арзон ҳақ билан) қабул қилинади.

Топшириш куни кўрсатилган табрик телеграммалари фақат 27 декабргача қабул қилинади.

Байрам олди кунларида телеграфнинг иши купайганлиги сабабли, 27 декабрдан кейин берилган табрик телеграммаларининг ўз вақтида етказилиши таъминланмайди.

Табрик хатлари, открыткалар ва совғали посилкаларни авиапочта орқали юбориш яхшироқдир. Бу тақдирда ҳам, сўнгги байрам олди кунларига қолдирмаслик керак.

Табрик телеграммалари, хат, открытка ва совғали посилкалар барвақт берилса, алоқа ходимлари ҳам уларни ўз вақтида етказиш имконига эга бўлади.

Узбекистон ССР Алоқа министрлиги.

ЁРҚИН, НАВҚИРОН САНЪАТ

Композитор Б. Бровциннинг «Семург» балетини (либреттони Ҳамид Олимжоннинг шу номдаги поэмаси асосида Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Е. Бароновский ёзган) чиндан ҳам ёшлар спектакли дейиш мумкин. Спектаклнинг рассоми Т. Шораҳмов, балетмейстери И. Юсупов ва дирижёри Д. Абдураҳмоновалар ҳали жуда ёш.

«Семург» балетини турли касб эгалари, Большой театрнинг, Станиславский ва Немирович-Данченко номли музикали театрнинг етакчи артистлари, атоқли санъат арбоблари, музика ва театр танқидчилари кўргани келишган эди. Наҳотки, «Семург» спектакли томошабинлар ажойиб «Дон-Жуан» балетидан олган таассуротни хиралаштирса? «Дон-Жуан» балети москваликлар учун ҳам, спектакли томоша қилган чет эллик меҳмонлар учун ҳам афсонадек туюлган эди. Финляндиянинг Лахти шаҳридаги мебель заводининг генерал директори В. Камулайнен «Сизларнинг санъатингизни ҳар қанча мақтаса арзийди. Узбек артистлари моҳирлик билан ўйнашди. «Дон-Жуан» балети хотирамда узоқ вақт қолади. Мен ажойиб санъатлари учун театрнинг бутун коллективига таъзим қиламан» деган эди.

Жазоирдан келган меҳмонлар М. Слиман ва Л. Селахсен ўз таассуротлари ҳақида гапирар эканлар: «Сизларнинг артистларингиз жаҳондаги ҳар қандай театрга безак бўла оладилар» дейишди.

Томошабинлар бу гал ҳам театрнинг коллективи, балет труппасининг кучига, ёшларнинг талантига ишонган эдилар. Ҳақиқатан ҳам улар янглишмадилар. «Семург» балетининг биринчи пардаси тамом бўлиши биланоқ залда: офарин, балли деган сўзлар эшитилди, қизғин қарсаклар чалинди.

«Балетда бош ролларни ижро этган Г. Измайлова, Б. Корнеева ва В. Васильевлар жуда катта муваффақият қозонишди. Москваликлар, айниқса, Измайлованинг талантини юксак баҳолашди.

М. БОБОХОНОВ,
«Совет Узбекистони»нинг Москвадаги штатсиз мухбири.

Суратда: «Дон-Жуан» балетида иштирок этган артистларни москваликлар табриклашмоқдалар. Ўнгдан И. Юсупов, Б. Қориева, Р. Стручкова (Москва), Г. Измайлова ва А. Лапаури (Москва)лар.

К. Ромеев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ VII СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

БОМБАЙ, 14 декабрь. (**ТАСС махсус мухбири**). Кеча Бомбайда Ҳиндистон Коммунистик партиясининг VII съезди тантанали вазиятда очилди. Бомбайнинг ишчилар райони бўлган Пареллдаги Пурандаре стадионида ўроқ ва болғали қизил байроқни кўтариш маросими ўтказилди. Бу қизил байроқ кўтарилганлиги съезд очилганлигидан далолат беради.

Ҳиндистон Коммунистик партияси съезднинг ишида 500 дан кўпроқ делегат, бир неча юз кузатувчи, шунингдек чет эллардаги қардош партиялар вакиллари, шу жумладан КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев бошчилигида Совет Иттифоқи Компартияси делегацияси қатнашмоқда.

ЮГОСЛАВИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ VIII СЪЕЗДИДА

БЕЛГРАД, (ТАСС). Буерда Югославия коммунистларининг VIII съезди бўлаётир. Съезд VII съезддан бўён ўтган даврдаги иш ҳақида Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети ва Югославия Коммунистлар союзи Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлади.

Съезд Югославия Коммунистлар союзи Уставига киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчаларни қабул қилди.

КЕНИЯДА ТАНТАНАЛАР

НАЙРОБИ, 12 декабрь. (ТАСС). Ёш мустақил Кения давлати республика бўлгандан кейин Кения пойтахтининг майдонларида ва кўчаларида қўшиқ ва рақс бутун тун бўйи тинмади. «Жумҳури парк»да (Суахили тилида республика парки ана шундай деб аталади) оркестрларнинг садолари остида Кения биринчи президенти Жомо Кениатанинг шахсий байроги кўтарилди.

Ҳарбий параддан кейин прожекторларнинг нури остида халқ ўйинлари ва рақслари ижро этилди. Бу ўйин ва рақсларда Кениядаги барча қабилаларнинг вакиллари қатнашдилар.

Бугун Найроби кўчаларида ва майдонларида тантаналар давом эттирилмоқда.

Республика эълон қилинганлигига бағишланган тантаналарда жаҳоннинг 60 дан кўпроқ мамлакатидан келган вакиллар бор. Жуда кўп делегациялар орасида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. А. Мюрисеп бошчилигидаги Совет Иттифоқи ҳукумат делегацияси ҳам бор.

ВАТАНПАРВАРЛАР ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Жанубий Вьетнам пойтахтидан икки юз километр чамаси ғарби-шимолда бўлиб ўтган жанг вақтида бир американлик офицер ўлдирилган ва бир неча американлик ярадор қилинган.

АП агентлиги мухбирининг Сайгондан хабар беришича, Жанубий Вьетнам партизанлари ҳукумат қўшинлари округ штаб-квартирасига ҳужум қилганлар. Ҳукумат қўшинлари бу жангда катта талафот кўрдилар.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

● **Бир ҳафта давомида Камбоджада гастролда бўлган бир группа совет балети артистлари Цейлонга жўнаб кетдилар. Улар у ерда ўз гастролларини давом эттирадилар. Совет балети усталарининг Камбоджада чиқишлари мамлакат маданий ҳаётида йирик воқеа бўлди. Кхмер жамоатчилиги совет артистлари санъати ва маҳоратига юқори баҳо берди.**

● **Монголия пойтахтида республика рассомларининг иккидига бағишланиб очилган традицион виставкага сураткашлик, графика, ҳайкалтарошлик, ёғочга ўйиб ишланган расмлар ва шу кабилар — ҳаммаси бўлиб 300 дан ортиқ асар қўйилган. Виставкани Монголия Халқ Республикаси Рассомлар союзи ташкил этди. Бу йилги традицион бадиий виставкада мамлакатнинг турли районларидаги юздан ортиқ рассом ўз асарлари билан иштирок этмоқда. Монгол ўлкасида янги ҳаёт қурилиши виставкадаги кўпгина асарларнинг асосий темасидир.**

● **Аддис-Абебада Болгариянинг «Техэкспорт» деган архитектура бюроси очилди. Бюро шахсий ва жамоат қурилишларни учун лойиҳалар тайёрлаб беради ва шаҳарни планлаштиришда ҳамда шаҳар қурилишида қатнашади.**

● **Жанубий Родезиянинг ирқчи ҳукумати Африканинг Солсбери шаҳри атрофида, яъни Ян Смит режимига қарши актив чиқишлар сезилаётган жойда фавқулодда вазият тўғрисидаги қонунни яна уч ой узайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шаҳар атрофидаги Солсбери-Харара ва Хайфилд шаҳарлари атрофидаги районларнинг ўзидагина фавқулодда вазият тўғрисидаги қонунга асосан 2 мингга яқин африкалик қамоқка олинди. Улар узоқ вақтдан бери тергов ва суд қилинмасдан тюрьмаларда ётибдилар.**

● **Тунис билан Марокаш ўртасида бўлиб ўтган музокаралар натижасида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга доир, жумладан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларига оид бир қанча битимлар имзоланди. Эълон қилинган қўшма баёнотда айтилдики, имзоланган ушбу битимлар — Мағриб мамлакатларини (Марокаш, Жазоир ва Тунис) бир-бирига яқинлаштириш ва бирлигини мустаҳкамлаш йўлидаги дастлабки қадамлардир.**

● **АҚШнинг Чилидаги элчиси Ральф Данген Америка Қўшма Штатлари «Тараққиёт йўлидаги иттифоқ» орқали Чилига умумий ҳажми 125 миллион доллар миқдорда қарз ва кредит беражаги тўғрисида матбуот конференциясида айтди. Бу қарзлардан 80 миллион доллари асосан Америка товарларини сотиб олиш учун тўланади.**

● **Статистика маълумотига кўра, Аргентинада шу йил апрелдан ноябргача бўлган даврда тиричилик қиммати 23 процент ошиб кетган.**

(ТАСС).

ЭРОНДА ҚОР УЮМЛАРИ

Эроннинг шимолида бошланган қаттиқ қиш мамлакат пойтахтида ҳам етиб келди ва жуда кўп қор ёғди. Бу ерда ёғқан қорнинг қалинлиги 15-20 сантиметрга етди, кун бирдан совиб кетди. Шимолий вилоятларда транспорт қатнови тўхтаб қолди. (ТАСС).

ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

Н. ТАРИАНОВ.

(ПОВЕСТЬ)

«Азиз дўстларим,— деб ёзди жосус инглиз хўжайинларига.— Ишлаш тобора қийинлашиб қолмоқда. Узим ҳам сизларга бирор фойда келтиришга ярамай қоламанми, деб қўрқиб турибман. Сизлар учун, америкалик дўстларимиз учун қилган хизматим учун сизларнинг ёрдамингизга умид боғлаганман. Сизлардан яқин вақтлар ичида тезроқ бу ердан чиқиб кетишимнинг режасини тузиб қўйишларингни сўрайман. Сўнгги делегация составига киролмай қолдим. Аввал мени бундай делегацияларга раҳбар этиб тайинлашарди. Балким бу янглиш бўлгандир. Лекин мен буни маъмурларимиз мендан шубҳаланиб қолишганлигининг натижаси деб биламан. Илгаригидек мен билан бемалол учрашиб турадиган кишилардан нўплари энди турли баҳоналар билан мендан ўзларини олиб қочмоқдалар. Илгари мен ҳеч қийналмай қўлга илинтирадиган материаллар энди қўлимдан қандай чиқиб кетаётганлигини ҳам сезмай қоляпман. Сизларга қилган хизматим ҳаққи, мени қутқариш чораларини кўришларингни илтимос қиламан. Ҳозир мен қўлга тушиб қолсам нима бўламан, оқибат нима бўлади деган хаёлни ўйлайвериб бошим шишиб кетди. Утиниб сўрайман, мени қутқаринглар. Одамгарчилик юзасидан бўлмаса ҳам, сизларга бўлган садоқатим учун қутқаринглар».

Лондондагилар Плахиннинг юраги ғаш бўлиб вахима ичида эзган бу хатини бир неча кундан кейин олишди. Уни Москвадан Британия дипломатия почтаси олиб кетди. Хат Сикрет интеллиженс сервисининг бир неча манзилида муҳокама қилинди. Охири агентни «эвакуация қилиш»ни американликларга юклашга қарор қилинди.

Орадан бир кун ўтгач, Лондон яқинидаги ничкина ресторанларда бирида Америка—инглиз разведкаларининг вакиллари учрашишди. Уларнинг учрашуви ташқаридан катта эътиборга ўхшаб кўринса ҳам, бу Плахин учун жуда муҳим кенгаш эди. Британия томонидан Арчибальд Кинг билан Смаж, американликлар томонида Марказий разведка бошқармасининг Лондондаги резиденти Мандаффи билан юқорида айтилган Петерсон иштирок этди.

— Уша Бойни деб қиролича флотини совет денгизларига юбориш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас, — деди Кинг совуққина. — Бунга бизнинг моддий ресурсларимиз анча чекланганлигинга сабаб эмас, бунинг учун ҳеч қандай имкониятларимиз йўқ. Сизларга, американликларга келганда, бошқа гап. Сизларнинг имкониятларингиз...

— Бизнинг имкониятларимиз ҳам сиз айтгандек эмас, — деди Мандаффи ростбефни чайнаб туриб.

— Сизнинг кемаларингиз Қора денгиздаги Турция портларига кириб турибди-ку, — деди Кинг кулимсираб. — Сизларга халқит бермаслик учун у томонга кемаларимизни юбормай турамиз. Сув оти кемаларингиздан бирини у ёққа жўнатиш сизлар учун унча қийин эмас-ку?

— Руслар бунақа кемаларнинг ҳаммасини синчиклаб кузатиб турадилар. Уларнинг қиргоғига сездирмай сузиб боришнинг иложи йўқ.

— Ахир, сизлар унга ваъда бергансиз-ку... Ҳатто уни шахсан президентга бўлмаса ҳам, Марказий разведка бошқармасининг директорига рўпара қилиш учун Париждан Вашингтонга яширин равишда олиб борган эдиларинг.

— Бизнинг кимга қандай ваъда беришимиз билан сизларнинг ишларингиз нима, — жаҳли чиқиб жавоб берди Мандаффи. Кейин у чала пиширилган ростбифни еб бўлиб, аралаштирилмаган жиндан қадахга қуйиб бир кўтарди-да, томоғини бир қириб қўйди.

— Менимча, бу Бойнимизнинг кучи битаётганга ўхшайди. Уни қутқарамиз деб ўзимизни ўққа-чўққа уриб юришнинг кераги йўқ. Ҳозир руслар билан шунақа ишларни деб нари-берига боришнинг пайти эмас. Қўйинг, Плахиннинг ўзи чегарадан ўтаверсин...

<> <>

— Мандаффи, русларнинг чегарасидан энг тажрибали диверсантлар ҳам ўтолмаслигини ўзингиз биласиз-ку, — деди Кинг.

— Чегарадан ўндан бир киши ўтса ҳам катта гап. Шунда ҳам Россияга қўшни бўлган мамлакат орқали ўтиш мумкин бўлади. Русларнинг чегарасидан ўтадиган киши бахти кулган, чегарани беш бармоғидек билган бўлиши керак.

— Бойни хисобдан чиқариб қўя қолсан ҳам бўларди. Ўзи ҳам унчалик кўп иш бергани йўқ. Лекин уни ўз ҳолига ташлаб қўядиган бўлсак, бундан кейин ўз томонимизга оғдириб олишимиз керак бўладиган кишиларга ёмон таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун ўзимизни зўр бериб шу ишга киришган қилиб кўрсатаверайлик. Мени қутқариш чораларини кўришяпти, Дзержинский майдонида бериладиган жазодан сақлаб қолиш йўлларини қидиришяпти, деб ўйласин.

— Бу гапингиз ҳам маъқул, Кинг,— деди Мандаффи сигарет тутатиб.— Майли, Москвадан қочиб, бизнинг мамлакатимизда яширинишнинг уддасидан чиқса, унга сохта паспорт билан пул юборайлик.

— Тўппонча ҳам қўшиб қўйинг,— деди Кинг кулиб.— Зора ақлига келиб, қўлга тушгунча ўзини отиб ўлдирса. Жуда соз бўлардi-да.

— Қани энди шундай бўлса,— деди Мандаффи.

* * *

Инкир-чикирларни тезда келишиб олишди. Америка элчихонасидаги ҳожатхона яна иш берди. Бу ерда Корбелли юрагини ҳовучлаб қолган Бойга пул, паспорт, тўппонча берди. Плахин тўппончани олмади— уни унитазга ташлади. Ундан кейин хонага кирган Корделли тўппончанинг устига қалин бир пакет ташлади, Жосус ўзини отиб ўлдиришни хаёлига келтирмас эди. Зотан чекистлар изига тушган бўлса, ҳеч қанақа тўппонча ёрдам беролмаслигини у яхши биларди.

Ҳадиксираб ўтказилган кунлар жосуснинг тиннасини қуритди. Фош бўлишини сеза бошлади шекилли, зарур чораларни кўра бошлади. Анна Грайпсхолм комиссион бадиий буюмлар магазинида жосусни кутиб белгиланган кунда кўчани узоқ айланиб юрди. Плахин келмади. Британия техника делегацияси ходимлари орқали хат ёзиб бериб, қўлга тушиб қолмаслик учун шахсий учрашувларни тўхтатганини инглизларга билдирди. Энди хилват жойлардан фойдаланишга ўтадиган бўлди. Бу — инглизларга хизмат қилишдан бош товлаш деган гап эди. Чунки Плахин бундай усулдан американликлар учун фойдаланар эди. Жосус энди американликларга умид боғлаган ва бу вақтда масала анча етилиб ҳам қолган эди.

Америка разведкаси Плахинни британиялик оғаларидан иборат рақибларидан бутунлай ажратиб қўйди. Американлик хўжайинлар Плахиннинг масаласи ҳал бўлганлигини тушуниб, ундан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиб қолишга ўриндилар. Улар жосусга сохта паспорт билан жуда кўп совет пули бердилар, ҳар учрашганда унга счётингизга кўп доллар қўйдик, деб унинг бошини айлантирдилар. Жосус ҳам юлғичлик, очкўзликдан маст бўлиб, ўзини йўқотиб қўйган эди.

Плахиннинг иши охирлашиб қолди. Уни жосусликда айблаб қамоққа олиш учун етарли материаллар тўплаб бўлинди. Унинг ўнинда тинтув ўтказиш яна муҳим далиллар берарди. Социалистик мамлакатлардан бирида Элмер Тиллден коммерсант пайдо бўлиб қолар деган умид ҳали бор эди. Бу ҳам катта далил бўларди. Энди ортиқ кутиб бўлмай қолди. Социалистик давлатлар ҳавфсизлигини ҳимоя қилувчи системанинг бош бошқармаларидан бирининг раҳбари бўлган генерал СССР Бош Прокурори ўринбосаридан санкция олиб, Плахинни қамоққа олиш ҳақида буйруқ берди. Генерал прокуратурага бориб ҳамма материаллар тўғрисида шахсан ўзи гапириб берди.

Полковник Борисов ўз группасини шу буйруқ билан таништириб, уни бажариш тараддудини кўраётган пайтда тўсатдан изпитан Стебленко бундай деб қолди.

— Уртоқ полковник, Плахиннинг юриш-туришидан бу одам виждонан азобланаётганга ўхшайди, чамамда...

— Қилгилигини қилиб қўйинб, энди қўрқаётгандир бу аблаҳ,— деди лейтенант Вишняков.— Бунақа одамда виждон бўлармиди. Қамоқдан қўрқяпти...

— Сабр қилиб туринг, Вишняков. Уртоқ Стебленко, қандай таклифингиз бор.

— Менимча, ўртоқ полковник, унинг ўзи қилмишига афсусланиб келиб қолар. Ҳар ҳолда фронтда жанг қилган, 5 ордени бор, йирик бўлинмага қўмондонлик қилган. Наҳотки, заррача виждони қолмаган бўлса. Келиб қолар, дейман.

— Тахмин қилиб гапиряпсизми?

— Бунга бazзи далиллар бор. Кеча кечаси асаби қўзғаб, қаттиқ огриб қолган. «Тез ёрдам»ни чақириб укол қилишган. Ўзига келиб бирор фикрда юргандир.

— Балким,— деди полковник ҳайрон бўлиб.— Шундай бўлиши мумкин.— Шундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Нима дейсиз, Владимир Васильевич,— деб мурожаат қилди бу суқбатни тинглаб ўтирган Кривоносга.

— Унга бир оз муҳлат бериш керак деб ўйлайман. Лекин бу муҳлат қирқ саккиз соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Уни кўздан қочирмаслик шарти билан, албатта.

— Маъқул,— деди полковник.— Мен генералдан рухсат олиб чиқай бўлмаса, 48 соатга рухсат олайлик.

Борисов ярим соатдан кейин генералнинг ҳузуридан чиқди.

— Рухсат берди. Шу қирқ саккиз соат учун сиз жавоб берасиз. Уни қамоққа олишга ордер ёзиб берилди. Прокурор ҳам қўл қўйди. Лекин шуни эсда тутингки, шу қирқ саккиз соат ичида у доим сизнинг диққат эътиборингизда бўлиши керак. Бу вақт ичида инглиз ёки американлик хўжайинлардан бирор киши билан учрашгундек бўлса, ўша жойнинг ўзидаёқ ҳаммасини қамоққа олинг. Плахиннинг «мижозлари»ни кейин қўйиб юборишга тўғри келади. Ҳар ҳолда улар дипломат.

Плахин ҳаётининг сўнгги соатларини нечираётганлигини ўзи сезиб тургандек эди. Жума кунига ўтар кечаси мижжа қоқмай чиқди. Айбини бўйнимга олсаммикин? Буларнинг ҳаммасига хотима бериш пайти келмадими? Жосуслигимни айтсаммикин? Ҳамма нарсани батафсил гапириб берсамми? Йўқ, бундай қилиб бўлмайди. Нима қилсам экан? Қочайми? Қаёққа? Менга юборишган паспортлари билан биринчи текширувдаёқ қўлга тушиб қоламан.

Жосус ана шундай жумбоқлар ичида қоврилиб чиқди. Эрталаб бир стакан ароқ ичди-да, хотини магазиндан келмасдан туриб кўчага чиқиб кетди. «Маркс проспекти» метро станциясидан Горький кўчасининг чап томони бўйлаб секин юриб кетди. Хўжайинлари билан келишилганига мувофиқ, у доим роса ўн минутн кам тўқизда Марказий телеграф ёнидаги Огарев кўчасини кесиб ўтарди. Гилам магазинидан эндигина ўтгандини, жойида бирдан туриб қолди. Унга томон эячининг «Форд» машинаси секиннлаб келаётган эди. Рулни қора ойнак тақиқан Корбелли бошқарарди. Плахин унга ҳўмрайиб қаради. Корбелли уни кўргач, чап қўли билан рулни ушлаб, ўнг қўли билан ёқасини тузатиб қўйди. Ташқаридан қараган кишига шу дақиқада уни ёқаси қисиб тургандек кўринарди. Аслида эса бу: бугун ўша хилват жойга нарса қўйилади, деган ишора эди.

Кечқурун Плахин ўйнда столидан жилмади, Столга жосуснинг махсус асбоби ўрнатилган эди. Телефон жиринглади. Трубкани кўтариб: Плахин эшитяпти, деди. Кимдир жавоб ўрнига трубкага уч марта пуфлаб қўйди. Бу ўша нарса ишга тайёр, деган гап эди.

Плахин ўша маҳфий жойда янги пул билан камида минг сўм бўлишини биларди. Шунинг учун ҳам ҳеч қаёққа бормасликка қарор қилди. Бу нарсани кейин, бошқа сафар бориб олар, ҳозирча тураверсин, қўрқадиган жойи йўқ. Уни биров таъқиб қилаётгани ҳам йўқ. Қамоққа олиш учун исбот керак. Бу ўз-ўзидан бўлаверадиган осон иш эмас. Ҳозиргача ишим ўнгидан келаверади. Плахин чакана одамлардан эмас. Осонлик билан қўлга тушиб қўя қолмайди.

Сўнгра хотинининг олдига келиб, кулимсираб деди:

— Чақириб қолишди-ку. Чет эллик меҳмонлар келишибди, кечқурун ресторанда бир оз ўтиришмасак бўлмас. Ёлғиз қўйиш маданиятдан бўлмайди. Ҳар ҳолда улар билан ишлаймиз.

Бу гаплар ёлғонлигини хотини биларди. Шунинг учун ўзинг биласан, дегандек қилиб бош иргитиб қўя қолди. Қизи ҳам отасини индамай кузатиб қолди.

Ресторанда ичишди. Кейин Гальканинг янги бир хонали уйнга қараб кетишди. Бу уйни кооперативдан олишда унга Плахин ёрдам берган эди. Плахин азонгача шу ерда қолди. Кеч турди. Ярим соатча совуқ сувда чўмилди. Аччиқ чой, бодринг сувини ичди. Ишхонасига телефон қилиб, меҳмонлар билан бирга ман, соат бирда бораман, деди. Ҳали эс-хушини ўнгалини йиғиштириб олмаган бўлса ҳам, такси ёллаб Ленинсние Горига қараб кетди. Университетнинг қаршисидаги Гранит айвони олдига келганда машинадан тушди.

Шу оромбахш куз кунида Москва ажиб бир тусга кирган. Плахин шу ерда тикка турганича шаҳарнинг кўркига узоқ тикилди. Дзержинский майдонида инсоф қилиб берилган қирқ саккиз соат муҳлатдан уч соатга яқин вақт қолди. Лекин Плахин ҳозир ҳеч нарсани ўйламасди. У шартли белгини ахтарарди. Мана, дарахтга бўр билан чизиб қўйилган. Шунинг ўзи. Плахин дарахтзор тепалигидан тушиб, келишилган жойга — эски тахта зинапояга келиб ўтирди. Худди товуқ қанотини ёзгандек плашчини кенг ёзиб юборди. Плашчнинг чўнтагига қўл солиб, пиллапоя тагида бир нарсани пайпаслаб топди. Секингина қўлини тортиб, ўша нарсани костюмининг чўнтагига солди. Теварак атрофга нўъ югуртирди: ҳеч ним йўқ. Яна бир оз ўтирди. Юраги дук-дук урмоқда. Бир оз ўтгач, эринчоқлик билан ўрнидан туриб, келган йўлидан қайта бошлади. Автобусни узоқ кутиб турди. Марказга қараб йўл олди.

— Уртоқ полковник, деб хабар берар эди бу вақтда радио телефон орқали майор Кривонос.— «Объект» яширин жойдан нарсасини олиб, марказга томон кетяпти. Қаёққа кетаётганлиги номаълум. Изидан кетяпмиз.

— Биз томонга келаётган бўлса ҳалақит бермангдар. Ишхонасига ёки бошқа бирор жойга бораётган бўлса, бинонинг ичига қўйманглар. Кўчанинг ўзидаёқ ушланглар.

* * *

— Сиз қамоққа олиндингиз, гражданин Плахин.

Инки киши жосуснинг қўлидан тутишди. У қочишга уринмади. Тиззалари титраб, қадам боссшга ҳам мажоли қолмади. Инки киши унинг қўлтиғидан олди.

... Гранитдаги ахлат супуриб ташланди, ундан асар ҳам қолмади. Кўча одамлар билан гавжум. Лекин шаҳар йўлларидаги чирпин, ифлос ахлат ҳозиргина супуриб ташланганлигини ҳеч ким билмасди.

Кўзга кўринмас жанглар давом этмоқда. Чекистлар ҳушёр туришибди. Уларга эса чекистларнинг куч-қудрати ва енгилмас кучи бўлган халқ доим ёрдам бермоқда.

(ТАМОМ).

Русчадан **М. ЖАЛОЛОВ** таржимаси.

Боши газетанинг 28, 29 ноябрь, 1, 2, 4, 6, 11, 12 ва 13 декабрь сонларида.

17-ҚИШЛОҚ ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

экскаватор машинисти бульдозерчи-скреперчи ихтисосларига 7-10 синф ҳажмида маълумоти бўлган ёшлардан

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

(16 ёшдан тортиб)

Ўқувчилар овқат, кийим, стипендия ва ётоқ билан таъминланади.

Ўқиш муддати — 11 ой.

Ҳужжатлар 1965 йил 1 январгача қабул қилинади.

Билим юртига кирувчилар аризага қўйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: маълумот ҳақида гувоҳнома, турар жойдан справка. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан келтирилади.

Мурожаат учун адрес: Фарғона область, Поп район, Уйгурсой посёлкаси.

«Совет Узбекистони» газета редакциясининг коллективи газетанинг собиқ ходими **Мансур ЮСУПОВНИНГ** вафот этганлигини билдириб, унинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 31226. Пропаганда — 27221. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 12247. ИНДЕКС — 64543. Н. Б. 289.